

Гавайи оролларида бирида бир одам яшарди, уни Кеаве деб атай колайлик, чунки, очигини айтганда, у ханузгача хаёт ва хакикий исми сир бўлиб колиши керак. У горда Буюк Кеавенинг хоки ётган Хонаунау деган жой якинида дунёга келган. Бу одам кашшок, аммо сергайрат ва довюрак бўлиб, саводи мактаб ўқитувчисиникидан кам эмасди. Бунинг устига у ажойиб денгизчи сифатида ном чикарган, якин масофаларга катновчи кемаларда сузган, Хамакуа сохиллари ёкалаб пароходларни бошкарган. Шу десангиз, бир куни унинг кўнглига бу ёруг дунёни кезиш, бегона шахарларни кўриш орзуси тушиб колди-ю, Сан-Францискога йўл олаётган кемага ёлланди.

Сан-Франциско – ажойиб бандаргохи бўлган хашаматли шахар, у ерда бадавлат одамлар беҳисоб, хатто бир тепалик борки, нукул дабдабали касрлардан иборат. Бир куни Кеаве чўнтагидаги тангаларини жаранглатган кўйи ана шу тепаликда сайр килиб юрар, кўчанинг хар икки томонидаги саройларга сукланиб бокарди.

“Кандай чиройли уйлар-а! – деб ўйларди у. – Уларда эртанги кун ташвишини билмайдиган бахтли одамлар яшаса керак, хойнахой!”

Шу хаёллар билан бораётганида бир уйга дуч келиб колди, у бош-ка уйлардан сал кичикрок бўлса хам мухташам ва худди кўгирчокдек чиройли эди. Пиллапоялари баайни нукрадек яраклар, бута-тўсиклар чамандек яшнаб турар, дераза ойналари олмосдек жилоланарди. Кеаве кўз ўнгида намоён бўлган бу кадар мукамалликдан хайратланиб, беихтиёр тўхтаб колди.

У шу алфозда уй рўпарасида турар экан, ичкаридан кандайдир бир одам унга караётганини пайкади, дераза ойнаси шунчалик шаффоф эдики, Кеаве уни сув кайтишидан сўнг тошлар устидаги кўлмакда коладиган баликни кўргандек яқкол кўриб турарди. Бу одам ёши кайт-ган, тепакал, кора соколли, чехраси серташвиш ва гамгин бўлиб, огир-огир хўрсиниб кўярди. Хуллас, Кеаве у одамга, у эса Кеавега дераза оркали караб туришар ва ишонасизми, йўкми, хар иккови хам бир-бирига хавас киларди. Нотаниш одам бирданига жилмайди ва Кеавени ичкари киришга имлаб, остонада кутиб олди.

– Менинг уйим жуда чиройли, – деди мезбон яна уф тортиб. – Уни бир кўриб чиқишни хохламайсанми?

Шундай деб у Кеавени ичкарига бошлади ва бутун уйни – ертўласидан тортиб чордогигача таништириб чикди, бу ердаги хамма нарса шу кадар мукамал эдики, Кеаве ларзага тушди.

– Чиндан хам ажойиб уй экан, – деди у. – Мен шундай жойда яшаганимда эртадан-кечгача шод-хандон юрардим балки. Лекин нега энди сен хадеганда уф тортаверасан, бунинг сабаби нима?

– Агар истасанг, – деди мезбон, – сен хам шу захотиёк худди шунга ўхшаган уйга эга бўлишинг мумкин. Ёнингда пулинг бордир, хойнахой?

– Эллик долларим бор, холос, – жавоб килди Кеаве. – Аммо бунака уй анча киммат турса керак.

Мезбон хаёлан нималарнидир чамалаб чикди.

– Пулинг бунча кам, – деди у кейин. – Бу сенга келгусида ортикча ташвиш келтиради, бироқ шунга карамай, эллик долларга хам олаверишинг мумкин.

– Шу уйни-я? – ажабланиб сўради Кеаве.

– Йўк, уйни эмас, – дея жавоб килди мезбон, – аникроги, шишани Сенинг назарингда

нихоятда омадли ва ўта бадавлат одам сифатида кўринаётган бўлсам бордир. Лекин, агар билсанг, очигини айтганимда, бутун мол-мулким – шу уй ҳам, бог-рог ҳам – бари-бари бир пинтадан\* унчалик катта бўлмаган бир шиша оркали топилган. Мана у. Мезбон шундай деб аллакандай жавонни очди ва ичидан узун бўйинли ва корни бакалок бир шишани олди. Шиша сутдек очиш ойнадан ясалган бўлиб, камалакнинг жамики ранглариде ёлкинланиб-товланиб турарди. Унинг ичида эса соячами, аланга тилигами ўхшаш алламбало бир нарса тўхтовсиз ёгдуланиб-ўйноклаб ётибди.

– Сенга айтган шишам шу, – деди уй эгаси ва Кеаве кулиб кўйганини кўриб, кўшимча килди: – Гапимга ишонмаётганга ўхшайсан-а? Унакада ўзинг синай кол. Уни синдиришга, кани бир уриниб кўр-чи.

Шунда Кеаве шишани кўлига олиб, то холдан тойгунича полга ура бошлади, бироқ шиша хар гал худди коптокдек сакраб кетаверарди, бирон ери хатто кирилмади ҳам.

– Галати нарса экан, – деди Кеаве. – Бундай караганда ва ушлаб кўрганда шишадан ясалгандек туюлади-я.

– Аслида ҳам шундай, – янада огиррок хўрсинди уй эгаси, – факат бу шиша жаханнам оловида тобланган. Унинг ичида шайтон яшайди – сояга ўхшаш бир нима липиллаб турганини кўраётгандирсан. Ана ўша шайтон бўлади, хар калай мен шундай деб ўйлайман. Шу шишага эга бўлган одам эса шайтонга буйрук бера олади. Ўша лахзадан бошлаб ниманики хохласа, ўшанга эришади. Ишк-мухаббат, шон-шухрат, бойлик, шунга ўхшаш уйлар, хатто шунга ўхшаш шахарлар – хамма-хаммаси кўз очиб-юмгунича мухайё бўлади. Наполеон шу шишага эгалик килиб, дунёни кўлга киритди, кейин эса уни сотиб юборгач, махв этилди. Капитан Кук шу шишага эга бўлиб, унинг оркасида кўплаб оролларни кашф этди, бироқ у ҳам шишани сотиб юборганди, Гавайида ўлим топди. Чунки шишани сотган захоти унинг кудратли химоясидан махрум бўласан, бироқ, иккинчи томондан, у кўлингдалик пайтида топган нарсаларингдан каноат килмасанг, охири фалокатга учрайсан.

– У холда нега энди шишани сотмокчи бўлаяпсан? – деб сўради Кеаве.

– Кўнглим тилаган нимаики бўлса, барига эришдим, бу ёкда эса умр поёнига етиб колди, – деди уй эгаси. – Шиша ичидаги шайтоннинг ёлгиз бир нарсага – инсон умрини узайтиришга курби етмайди, холос. Яна бир жихатни сендан яшириб колсам, инсофдан бўлмайди. Бу шишанинг бир нуксони бор: агар эгаси уни сотишга улгурмай туриб ўлса, жаханнамда абадий ёнишга махкумдир.

– Ха, нуксон бўлгандаям жуда зўр нуксон экан, гап йўк! – хитоб килди Кеаве. – Мен бунака шайтоний нарсаларга умуман аралашмаган бўлардим. Парвардигорга шукур, уйсиз ҳам яшашим мумкин. Аммо билатуриб ўз бошимга жаханнам азобларини сотиб олиш – бу, энди, бориб турган ахмокликнинг ўзгинаси.

– Ўпкангни бос, бу ишнинг энг охирини ўйлашга шошмасанг ҳам бўлади, – дея эътироз билдирди уй эгаси. – Бу ўринда энг мухими – шайтоннинг ёрдамидан фойдаланиб, бу дунёда нима хохласанг, барига эга бўлиш. Кейин эса шишани хозир мен сенга сотаётгандек яна бирон одамга сотиб юбориш. Ана ундан сўнг колган умрингни тинчлик-хотиржамлик, хузур-халоватда ўтказаверасан.

– Мени яна бир нарса ўйлантираяпти, – деди Кеаве. – Авваламбор, огир-огир хўрсинаяпсан ва айни пайтда шишани сувтекинга сотмокчисан. Бунинг сири нимада?

– Нега уф тортишларим сабабини хозиргина айтиб ўтдим, – жавоб килди у одам. – Соглигим заифлашаётганини сезиб турибман ва бу мени кўркувга солаяпти. Чунки, ўзинг айтиб ўтганингдек, ўлганидан кейин дўзахга равона бўлишни хеч ким истамайди.

Энди шишани бунчалик арзон сотишимга келсак, унинг яна бир хусусиятини тушунтиришим керак. Иблис бу шишани ер юзига олиб келган жуда кадим замонларда уни биринчи бўлиб Пресвитер Иоанн сотиб олган ва эвазига бир неча миллион доллар тўлаган. Бирок ҳамма гап шундаки, бу шишани факат зарарига сотиш мумкин, холос. Агар сен уни харид килган нархингнинг ўзига сотсанг, худди кабутар уясига кайтганидек, ёнингга кайтиб келаверади. Шишанинг бахоси асрлар мобайнида пасайиб келавериб, мана hozир хайратомуз даражада арзимас пулга тенг бўлиб турганининг сабаби ҳам шу. Мен ўзим уни бадавлат кўшниларимнинг биридан сотиб олиб, бор-йўги тўксон доллар тўлаганман. Энди уни саксон тўккиз доллару тўксон тўккиз цент-га сота оламан, лекин бир цент ҳам кимматига эмас, акс холда у ўша захотиёк ёнимга кайтиб келади... Ана шу туфайли ҳам иккита мушкуллик мавжуд: биринчидан, шундай гаройиб шишани арзимас саксон долларга сотмокчи бўлсанг, одамлар сени шунчаки хазиллашяпти деб ўйлашади. Иккинчидан эса... У ёғи кейин энди... Очигини айтганда, ҳамма нарсани миридан-сиригача айтиб беришга мажбур эмасман. Факат бир нарсани кулогингга куйиб ол – шиша муомалада юрган пулга сотилади, холос.

– Шу гапларнинг бари хакикат эканига кандай килиб ишонишим керак? – деб сўради Кеаве.

– Баъзи нарсаларни hozирок текшириб кўришинг мумкин, – деди у одам. – Менга эллик доллар бергин-да, шишани олиб, шу пулинг ёнингга кайтишини хохла. Агар шундай бўлмаса, касам ичиб айтаманки, савдоимиз пишмади дейман-у, пулингни кайтараман.

– Мени алдамаяпсанми мабодо? – сўради Кеаве.

Уй эгаси хакикатни айтаётганига касам ичди.

– Таваккал-да, бўлмаса, – деди Кеаве. – Бунинг зарари йўк-ку, ахир.

Шундай деб, пулини уй эгасига берди, у эса шишани узатди.

– Кани, шиша ичидаги шайтон, – деди Кеаве, – эллик доллар пулимни кайтар-чи.

У гапини тугатиб улгурар-улгурмас, киссаси яна аввалгидек тўлиб колганини сизди.

– Бу чиндан ҳам ажойиб шиша экан, – деди Кеаве.

– Мана энди хайрлашамиз, ошна, – деди уй эгаси. – Кани, бир жўнаб кол-чи, бу ердан!

– Э, шошма! – деди Кеаве. – Йигиштир бунака хазилингни. Ма, шишангни кайтиб ол.

– Сен унинг учун менга нархига нисбатан камрок пул тўладинг, – деди у одам мамнунликдан кўлларини бир-бирига ишкар экан, – энди шиша сеники. Менга эса битта нарса керак: бу ердан тезрок корангни ўчирсанг бўлгани. – У шундай деб хитой хизматкорини чакиришга кўнгирок килди, хизматкор эса Кеавени уйдан чиқариб юборди.

Кўлтигида шиша билан кўчага чиқиб колган Кеаве ўйлай бошлади:

“Агар бу одам айтганларининг бари хакикат бўлса, роса чув тушган кўринаман. Лекин у шунчаки лакиллатган бўлса-чи?”

Шунда у авваламбор ёнидаги пулини хисоблаб чикди: роппа-роса кирк тўккиз америка доллари ва битта чили тангаси экан.

“Хаммаси тўгрига ўхшайди, – деб ўйлади Кеаве. – Кани, энди уни бошқачасига бир синаб кўрайлик-чи”.

Шахарнинг бу кисмидаги кўчалар худди кема сахнидек топ-тоза, устига-устак, пешин пайти бўлишига карамай, биронта ҳам йўловчининг кораси кўринмасди. Кеаве шишани йўл чеккасидаги арикка улоктириб, индамай кетаверди. Икки марта ўгирилиб караганида кориндор, сутдек окиш шиша у ташлаган жойда ётганини кўрди. Кеаве ортига учинчи бор назар ташлаб, муюлишда бурилди, лекин хали бир кадам ҳам ташлаб

улгурмагандики, нимадир тирсагига келиб урилганини сизди. Не кўз билан кўрсинки, бакалок шиша бушлати\*\* чўнтагини эгаллаган, узун тумшуги ташкарига чикиб турарди. “Бунисиям ростга ўхшайди”, – деб ўйлади Кеаве.

Шундан кейин у нима килди, деб сўрарсиз. Дўкончадан штопор\*\*\* сотиб олиб, сахар ташкарисига, кимсасиз далага йўл олди. Ана шу ерда шишанинг пўкагини чикариб олмокчи бўлди. Аммо у штопорни пўкакка бураб киритишга канчалик уринмасин, штопор шу захоти ўз-ўзидан кайтиб чикар, пўкак эса бус-бутун турарди.

“Пўкакнинг кандайдир янги тури”, – деб ўйлади Кеаве ва шу лахзадаёк бутун борлиги худди безгак тутгандек калтираб кетди, баданини муздек тер коплади: унда кўркув уйгонганди.

Кеаве бандаргохга кайтар экан бир дўкончага дуч келди, унда аллакандай бир киши чиганоклар, оролларда яшовчи ёввойи одамларнинг сўйиллари, кадимий тангалар, кўхна маъжусий маъбудаларнинг хайкалчалари, хитой ва япон суратларини, кискаси, денгизчи дунёнинг турли чеккаларидан сандикчаларида олиб келадиган хилма-хил лаш-лушларни сотиб ўтирарди.

Шу ўринда Кеавенинг хаёлига янги фикр келди. У дўкончага кириб, эгасига ундаги шишани юз долларга сотиб олишни таклиф этди. Дўкондор аввалига кулиб кўйди, кейин беш доллар бермокчи бўлди. Бирок бу чиндан хам гаройиб шиша эди – ер юзида хали биронта шишапаз бунаканги шиша тайёрламаган, унинг сутдек окиш туси камалакнинг жамики рангларида шунаканги чиройли товланар, ичида шунаканги бир сирли соя ракс тушардики, асти кўяверасиз... Хуллас, таомилга кўра савдолашгач, дўкондор Кеавега олтмиш кумуш доллар берди ва шишани пештахтасининг кок Марказидаги жавон токчасига жойлаштириб кўйди.

“Энди нима бўларкин? – деган фикр ўтди Кеавенинг хаёлидан. – Мен уни олтмиш долларга сотдим, холбуки ўзим эллик долларга, очигини айтганда, ундан хам арзонга сотиб олгандим, чунки битта тангам чили доллари эди-да. Энди бу ёгини яна бир бор текшириб кўрамиз”.

Шу хаёлларда Кеаве кемага кайтди, сандикчасини очиб караганида эса шиша шу ерда эканлигини кўрди: ундан аввалрок етиб келибди. Кемада Кеавенинг Лопака деган бир дўсти бор эди.

– Ха, нима гап? – деб сўради у. – Сандикчангга намунча тикилиб колмасанг!

Улар кубрикда\*\*\* икковлон эдилар, Кеаве ўртогини сир саклашга касам ичириб, бор гапни айтиб берди.

– Аклга сигмас ходиса, – деди Лопака. – Назаримда, бу шиша сенинг бошинга балою кулфатлар ёғдирадиган кўринади-ёв. Жуда бўлмаганда битта нарса аник: сенга кандай фалокат тахдид солаётганини ўзинг биласан. Модомики, шундай экан, бу ишдан бирон фойда чикариб олишни ўйлаш керак. Нимани хохлашингни яхшилаб фикрлаб кўргин-да, шишага уни амалга оширишни буюр. Агар шиша айтганингни бажарса, уни сендан ўзим сотиб оламан. Чунки кўпдан бери бир нарсани ўйлаб юрибман – шхунага\*\*\*\* эга бўлиб, ороллар бўйлаб савдо билан шугулланиш орзуим бор.

– Бу менга тўгри келмайди, – деди Кеаве. – Мен ўзим тугилиб ўсган Кон сохилида чиройли уйим ва богим бўлишини истайман. Куёшнинг чарогон нурлари деразалардан тўкилиб турса, богда гуллар чаман бўлиб очилиб ётса, деразаларда ойналару деворларда суратлар, стол устида анвойи дастурхонлар ва ўйинчоклар бўлса – хуллас, хамма-хаммаси мен бугун кўрган уйдагидек яраклаб турса... Хатто менинг уйим ундан бир кават баландрок ва хар томонидан худди кирол касри каби айвонлар билан ўралган

бўлишини хохлайман. Ана шундай уйда бегам-беташвиш, дўстларим ва кариндошларим билан шод-хуррам хаёт кечирсам дейман.

– Бундай киламиз бўлмаса, – деди Лопака. – Шишани Гавайига ўзимиз билан олиб кетайлик, агар орзуларингнинг бари амалга ошса, боя айтганимдек, шишани сендан сотиб оламан ва ўзимга шхуна сўрайман.

Улар шунга қарор қилишди ва тез орада кема Гонолулуга қайтиб, Кеаве ҳамда Лопака билан бирга шишани ҳам келтирди.

Дўстлар сохилга тушиб улгурмагандилар ҳамки, бандаргоҳда бир таниш одамни учратиб қилишди, у эса салом-алиқ тугар-тугамас, Кеаведан кўнгил сўрай бошлади.

– Хеч балони тушунолмаёпман, – деди Кеаве, – нима учун менга бунчалик ҳамдардлик билдираяпсан?

– Ие, хабаринг йўқми хали? – ажабланди таниш одам. – Ахир, амакинг... мухтарам қария... вафот этди... Кейин эса... кўркамгина бир жиянинг бўларди-ку... ана ўша денгизда чўкиб кетди.

Кеаве ногахонда бошига тушган мусибатдан шу захотиёк гамга ботди, ох-вох қилишга тушиб, шишани ҳам унутиб юборди. Бирок Лопака унутмаганди, Кеаве бироз ўзига келганида ундан сўради:

– Шу тобда хаёлимга бир фикр келди – Гавайида, Каю худудида амакингнинг ер-мулки йўқмиди мабодо?

– Йўқ, – деди Кеаве, – Каюда йўқ. Хоокенадан сал жануброқда, тоглик сохилда ер майдони бор эди.

– Энди бу ер сенга мерос қоладими? – сўради Лопака.

– Ха, менга, – деди Кеаве ва яна мархум кариндошларини эслаб, йиги-сигига тушди.

– Шошма, – деди Лопака. – Бирпасга ох-вох қилмай тур, хаёлимга бир фикр келди.

Балки буларнинг бари шишанинг ишидир-а? Чунки сен истаган уй учун жой тайёр бўлиб турибди!

– Агар шундай бўлса, шишанинг бунаканги ёрдамни бошимга ураманми?! – дея қизишиб кетди Кеаве. – Мен ундан кариндошларимни ўлдиришини сўраганмидим, ахир!

Аммо-лекин бу тахминингда жон бор – уйим худди ўша ерда бўлишини орзу қилгандим.

– Бирок уй хали қурилмаган-ку? – деди Лопака.

– Э, нимасини айтасан! – уф тортди Кеаве. – Бирор кун келиб қурилиши ҳам даргумон хали. Тўгри, амакининг бироз қахва, ава, банан дарахтлари бор эди, аммо уларнинг хосили тирикчилигимга учма-уч етади, холос. Ер майдонининг қолган қисми эса қоп-қора лавадан иборат.

– Кани, юр-чи, сарқор ёнига бориб кўрайлик, – деди Лопака. – Хар қалай, бу фикр менга тинчлик бермаяпти.

Улар Сарқор ёнига боришганда эса бирдан маълум бўлдики, Кеавенинг амақиси ўлими олдидан баногоҳ жуда бойиб кетибди ва ўзидан қатта давлат қолдирибди.

– Мана сенга уй қуриш учун маблаг! – хитоб қилди Лопака.

– Агар уй қурмокчи бўлсангиз, – деди сарқор, – менда янги меъморнинг ташрифномаси бор, уни роса макташяпти.

– Жуда соз! – деди Лопака. – Кўраяпсанми, ҳамма нарса олдиндан тайёрлаб қўйилган экан. Шишанинг айтганини қилиш керак, холос.

Улар меъморнинг уйига йўл олишди, у эса хилма-хил уйларнинг чизмаларини аллақачонок стол устига ёйиб қўйган экан.

– Сиз бошқаларига ўхшамайдиган гаройиб бир уй бўлишини хохлаяпсиз-а? – деб сўради

меъмор. – У холда мана буни бир кўринг-чи.

Кеаве у узатган чизмага бир карашдаёк ўзини тутолмай баланд овозда ох уриб юборди, чунки чизмада тасвирланган бино унинг орзуларида намоён бўлган уйнинг айнан ўзгинаси эди.

“Шу уй меники бўлиши керак, – деб ўйлади у. – Биламан, бу кийин иш, ўзимнинг ҳам кўнглим чопмаяпти. Лекин не чораки, шайтоний кучга боғланиб колган эканман, акалли бирон нафи тегсин”.

Шунда Кеаве меъморга нималарни истаётганини, уйни кай тарзда жихозлаш кераклигини тушунтира бошлади, деворга осиладиган суратларни, стол устида ётиши керак бўлган ўйинчокларни ҳам унутмади. Кейин эса ундан бу ишларнинг бари канчага тушади, деб дангалига сўради.

Меъмор Кеавега кўплаб хилма-хил саволлар берди, сўнгра кўлига калам олиб, хисоб-китоб килишга тушди. Хисоблаб бўлганидан ке-йин у Кеавега мерос колган маблагнинг айнан ўзини айтди.

Лопака билан Кеаве бир-бирларига караб кўйиб, бош иргашди.

“Хаммаси аён энди, – деб ўйлади Кеаве. – Хохлайманми, йўкми, шу уй энди меники бўлади. Уни менга Иблис совга килди ва бу ишнинг охири яхшиликка олиб бормаслиги аник. Бирок мен ҳам катъий аҳд киламан: шу шиша кўлимда экан, бундан бу ёгига ундан бошка ҳеч нарса сўрамайман. Шу уй менинг бўйнимга тушди, уни ҳеч нарса килолмайман энди. Шайтоний кучга боғланиб колган эканман, жуда бўлмаганда шунга фойдаси тегсин, ахир”.

У меъмор билан шартнома тузди ва уни икковлари имзолашди. Шундан кейин Кеаве билан Лопака яна кемага ёлланиб, Австралияга йўл олишди. Чунки курилишга аралашмаслик, уйни қандай барпо килиш ва безатишни меъмор билан шишадаги шайтонга кўйиб бериш тўғрисида ўзаро қарор килишганди.

Уларнинг сафари осойишта кечди, факатгина Кеаве беихтиёр бирон тилак-истак билдириб кўймаслик учун доимо сергак туришига тўғри келди, зотан, у бундан буён иблисининг бирон-бир мархаматини қабул килмасликка касам ичганди. Икки дўст уйга ўз муддатида кайтишди. Меъмор уй тайёр бўлганини айтди ва Кеаве билан Лопака “Нух кемаси”га чикиб, Кон сохиллари бўйлаб сузиб кетишди. Кани, янги уй қандай экан, Кеаве орзуларида тасаввур килган уйга ўхшармикан?

Уй баланд сохилда қурилган бўлиб, денгиздан ўтувчи кемаларга жуда яхши кўриниб турарди. Чор атрофда ўрмонлар нақ булутларга бўй чўзган, пастда – горларда қадимги хукмдорларнинг хоки ётган дарада кора лава оқимлари қотган эди. Уй тевараги гулзор бўлиб, камалакнинг барча рангларида жиллоланиб турибди. Мевали дарахтлар ҳам бор – уйнинг бир томонига нон дарахтлари, бошка томонига папайя экилган. Бино олдида, денгиз соҳилида эса кема мачтаси ўрнатилган бўлиб, тепасида байрок хилпираб турибди.

Уй уч қаватли, хоналари ва ҳар бир қаватдаги айвонлари кенг-мўлгина. Деразалардаги ойналар сувдек тиник ва чарогон кундек ёруғ. Хоналарга чиройли жихозлар кўйилган. Деворларга олтин халли гардишларда суратлар осилган бўлиб, уларда кемалар, денгиз жанглари, ер юзининг турли чеккаларидаги гаройиб манзаралар акс эттирилган ёки дунёдаги энг соҳибжамол аёллар тасвирланган. Кеавенинг янги уйидаги деворларга килган бу суратлар шунақанги ёркин бўёқлар билан ишланганки, бунақаси етти икклимда ҳам топилмайди.

Бехисоб ўйинчоклару гаройиб буюмларнинг таърифига эса умуман сўз йўқ. Охангдор

занг чалувчи соатлар, мусикали кутичалар, бош чайкатувчи митти одамчалар, нафис ва ажойиб бошкотирмалар бир киши вақтини кўнгилчоғлик билан ўтказиши учун етарли эди.

Бирок каср нечоғли улугвор ва хашаматли бўлмасин, унда яшовчи одам хонама-хона кезиб, ажойибот-гаройиботларни томоша килавериш зерикади барибир. Ана шу боис ҳам уй ҳамма томонидан бутун бошли шахарнинг аҳолиси бемалол ва кулайгина жойлаша олиши мумкин бўлган ниҳоятда кенг-мўл айвон билан ўраб олинган ва ундан чор-атрофни яйраб томоша килиш мумкин эди.

Кеаве кайси томондаги айвонни афзал кўришни билмасди. Негаки, уйнинг оркасидаги айвондан мевазор боғлар ва гулзорларни кўриб кўзи кувнаса, тоғдан эсаётган майин шабададан кўнгли яйрайди. Уйнинг олд томонини безаб турган айвонда турганида эса у денгизнинг тоза шимолидан бахраманд бўлар, тепаликдан уммонга караганида тахминан ҳафтада бир марта Хоокенадан Пеле адирларига йўл олувчи “Нух кемаси”ни ёки ёғоч, ава ҳамда банан ташувчи шхуналар сохилбўйи сувларида сузиб юрганини томоша килар эди.

Кеаве билан Лопака ҳамма нарсени кўздан кечириб чиккач, орка айвонга ўтиб ўтиришди.

– Хўш, калай? – деб сўради Лопака. – Орзуларингга мос келдими?

– Лолу хайронман, – дея жавоб килди Кеаве. – Бу хатто орзуларимдагидан ҳам зиёда бўлибди, шу қадар хурсандманки, нақ бошим айланиб кетаяпти.

– Мени эса бир нарса ўйлантираяпти, – деди Лопака. – Шуларнинг бари ўз-ўзидан келиши ҳам мумкин эди, балки бу ўринда шишадаги иблиснинг ҳеч қандай дахли йўқдир. У холда мен шишани сотиб олганим билан шхунани етти ухлаб тушимда ҳам кўрмайман, икки ўртада жаханнам азобини ўз ихтиёрим билан бўйнимга олганим қолади, холос. Тўғри, шишани сотиб оламан, деб сенга сўз берганман, аммо сен ҳам ахволимни тушунишга урин ва мен учун яна битта синов ўтказиб бер.

– Лекин шишадан энди ҳеч қандай совга олмайман, деб қасам ичганман-ку, ахир! Ўзи шундоғам кулогимгача гуноҳга ботиб кетганман.

– Э, мен совгаларни мутлақо ўйлаётганим йўқ, – жавоб килди Лопака. – Шайтоннинг ўзини бир зумгина кўрсам кифоя. Бунинг сенга ҳеч қандай фойдаси тегмайди, демакки, хавотир олишингга ҳам ўрин йўқ. Шунчаки, унга бирровгина кўз киримни ташласам, бу ишга бўлган ишончим ортади дейман-да. Кел энди, оғайни, шайтонни бир кўрсата қол. Кейин ўша захотиёқ сендан шишани сотиб оламан, мана, пулим ҳам тайёр.

– Мен бошқа нарсадан хавотирман, – деди Кеаве. – Шайтоннинг киёфаси балки ниҳоятда дахшатлидир, унга шундоққина караганинг-даёқ шишани сотиб олишдан воз кечиш қолишинг ҳеч гап эмас.

– Сўзим – сўз! – дея жавоб килди Лопака қатъийлик билан. – Мана пулим ҳам тайёр деяпман-ку, ахир.

– Бўпти унақада, – деди Кеаве. – Унга бир назар ташлашга ўзимам кизиқаяпман.

Шайтон жаноблари, сизни бирровгина кўришимизга ижозат этсангиз!

У шундай дейиши билан шайтон шиша ичидан бир қаради-ю, шу захотиёқ яна гойиб бўлди. Кеаве билан Лопака эса тош қотганча қолишди. Хатто кеч кирди ҳамки, улар ўзларига келишолмас, тиллари айланмасди. Ва ниҳоят, Лопака пулни ўртоғининг ёнига суриб қўйиб, шишани олди.

– Мен ҳалол одамман, сўзимда туришим керак, – деди у. – Акс холда мана бу нарсага қўлимни ҳам теккизмаган бўлардим. Майли, начора, бошга тушгани кўз кўрар экан. Шхуна билан озрок пулга эга бўлсам бас, ўша захотиёқ манави лаънатини ўзимдан соқит

киламан. Чунки, очигини айтганда, уни кўрган замоним тепа сочим типпа-тик бўлиб кетди.

– Лopaкa, – дeди Keaвe, – кўнглингга oгир oлмагин-у, aммо биттa гaпни aйтмaсaм бўлмaйдигa сирaям. Хoзир тун, йўл ёмoн, уcтигa-уcтaк, бeмaхaлдa кaбриcтoн ёнидaн ўтиш бeхoсият хисoблaнaди – буларнинг бaрини мeн жудa яхши тушуниб турибмaн. Бирoк aнaвининг мaрaз турки-тaрoвaтини кўргaнимдaн кейин тoки бу шишa шу eрдa экaн, нa eгaн-ичгaнимдa хaлoвaт бўлaди, нa oрoм тoпaмaн вa нa Пaрвaрдигoргa илтижo килa oлaмaн. Йўлинггa фoнyс, шишa солиб oлишинг учун сaвaт бeрaй, бoз уcтигa шу уйдa кўнглинггa ёккaн нимa бўлcа – хaр кaндaй cурaтни, хaр кaндaй энг aжoйиб бyюмни oлишинг мyмкин, фaкaт, Хyдo хaкки, бу eрдaн тeзрoк жўнaб кeтгин-у, Хoокeнaдa Нaхинaнинг уйидa тунaй кoл!

– Keaвe, – дeди Лopaкa, – мeнинг ўрнимдa хaр кaндaй oдaм бу гaпингдaн кейин cендaн кaттик рaнжигaн бўлaрди. Нeгaки, мeн cенгa нисбaтaн cадокaтли дўcтнинг ишини килдим – cўзимдa туриб, шишaни cотиб oлдим. Бу ёғи ярим кeчa, хaммaёк зим-зиё, кaбриcтoн ёкaлaб ўтyвчи йўл эcа гaрдaнидa гунoхи вa кўлтигидa шaйтoнли шишaси бўлгaн мeндeк oдaм учун юз кaррa, минг кaррa дaхшaтлирoк. Aммо ўзим хaм кўркyвдaн дaг-дaг титрaётгaним учун cени айблaй oлмaймaн. Кeтaр экaнмaн, Пaрвaрдигoрдaн илтижo килaмaнки, cен шу уйдa бaхтли хaёт кeчиргин, мeнинг шхунaдaн oмaдим чoпcин вa хaр иккoвимиз хaм умримизни яшaб бўлгaнимиздaн кейин жaмики жинлaру шишaлaргa кacдмa-кacд ўлaрoк жaннaтгa тушaйлик.

Лopaкa шундaй дeгaч, oтини тoгдaн пaстгa кaрaб чoптириб кeтди, Keaвe эcа айвoндa тyёклар дyпyригa кyлoк тyтгaничa, кaдимги хyкм-дoрлар хoки ётгaн кoя oстидa фoнyс ёгдyси милтиллaб бoрaётгaнини кyзaтиб тyрaрди. Кейин, шу тyргaничa, япpoкдeк титрaгaн кўйи кaфтларини жипслaштириб, шундaй бaлoи aзимдaн кyтулгaни учун Пaрвaрдигoргa хaмдy cанoлар aйтa бoшлaди.

Бирoк эртaсигa чaрoгoн, бeгyбoр тoнг oтди вa Keaвe янги уйидaн хaнyз хaйрaтлaнгaнчa, кўркyвлaрини yнyтиб хaм yбoрди. Шундaн cўнг кyн кeтидaн кyн ўтa бoшлaди, Keaвe янги уйидa яшaр, шoдлигининг чeки йўк эди. Oркa тoмoндaги айвoн yнинг cевимли жoйигa aйлaнди: y шу eрдa oвкaтлaнaр, бyтyн вaктини ўткaзaрди.

Гoнoлyлу гaзeтaларини ўкиб, тyрли вoкeа-хoдисaлaрдaн хaбaр тoпaрди.

Уни кўргaни кимлaрдир кeлиб кoлcа, yларни aйлaнтириб, бyтyн уйни, cурaтларни кўрсaтaрди. Keaвe уйининг oвoзaси oлиc-oлиcлaргa eтиб бoрди вa Кoн oрoлининг бaрчa aхoлиcи yнинг кacрини Кa-Хaлe-Нyи, яъни “Mашхyр Уй” дeб aтaй бoшлaшди, бaъзaн эcа янa “Яркирoк Уй” дeб хaм aтaшaрди.

Кейинги нoмнинг cабaби шундaки, Keaвe хитoй хизмaткoр ёллaгaн, y эcа Хyдoнинг бeргaн кyни уйнинг хaммa eридaги чaнг-чyнглaрни aртиб, бaрчa нaрсaни кўз oлгyдeк ярaклaтиб чикaрди. Чиройли ўйинчoклaру cурaтлар хaм, дeрaзa oйнaлaриy oлтин хaллaр хaм – бaри-бaри бaайни тoнг нyрлaридeк чaрaклaб тyрaрди. Keaвeнинг ўзи эcа хoнaмa-хoнa aйлaниб юрaр экaн, кyвoнч-шoдлиги юрaгигa cигмaй, бeихтиёр кўшик куйлaб yбoрaрди. Уйи ёнидaн кeмaлaр cузиб ўтaётгaнидa эcа y ўз мaчтaсидaги бaйрoгини кўтaрaр эди.

Вaкт шундaй ўтиб бoрaр экaн, бир кyни Keaвe yзoккa хaм эмaс, якингa хaм эмaс, бaлки Кaмлyгa ёр-бирoдaрларини кўриб кeлиш учун йўлгa oтлaнди. У eрдa Keaвeни яхшилaб мeхмoн килишди, aммо шyнгa кaрaмaй, y эртaлaб тyргaн зaхoтиёк oркaгa кaйтиб, oтини eлдeк учириб кeтди – ўзининг aжoйиб уйини янa бир кўриш учун шyнчaлик oшикaрди. Aкcигa oлиб ўшa кyн, кaдимги ривoятлaрдa aйтилишчa, aждoдларнинг aрвoхлaри



кабрлардан чикиб, Кон сохилларида дайдиб юрадиган туннинг арафаси эди. Бир гал шайтонга айланишиб колган Кеаве эса бу гал мархумлар даврасига тушиб колишни асло-асло истамасди.

У мана шу тарика, Хонауануни хам ортда колдириб от чоптириб борар экан, тўсатдан олисда – денгизда, шундоқкина сохил ёкасида кандайдир бир аёл чўмилаётганига кўзи тушди. Назарида у ёш, аммо етилган киз бўлиб туюлди, Кеаве шундан бошка нарсани ўйлагани йўк. Шу зайлда от уни учириб борар экан, аввал ок кўйлак, кейин кизил юбка – холоку кўзга чалинди: киз сувдан чикиб кийинаётган эди.

Кеаве етиб борганида у чўмилишдан кейин гулдек очилиб, кизил юбкасида йўл чеккасида турар, кўзлари кулиб, нигохидан бокиралик, нафосат таралар эди. Кеаве кизга кўзи тушган захоти от жоловини тортди.

– Бу атрофда яшовчиларнинг хаммасини биламан, деб ўйлардим, – деди у. – Аммо сени танимас эканман, кимсан ўзинг?

– Мен Кианонинг кизи Кокуа бўламан, – дея жавоб килди киз. – Оахудан уйга энди келиб туришим. Ўзинг кимсан?

– Мен кимлигимни айтаман, – деди Кеаве отдан сакраб тушиб, – факат хозир эмас, сал кейинрок. Чунки кўнглимга бир фикр келди, агар кимлигимни айтсам, тўгри жавоб бермайсан, деган хавотирдаман. Сабаби – балки мен хакимда эшитган чикарсан. Бирок авваламбор шуни айтгин-чи: турмуш килганмисан?

Кокуа бу гапни эшитиб, кулиб юборди.

– Хамма нарсани билгинг келаяпти, – деди у. – Ўзинг-чи – уйланмаганмисан?

– Йўк, Кокуа, уйланмаганман, – деб жавоб берди Кеаве. – Очигини айтганда, уйланиш хакида то шу дакикагача хеч қачон ўйлаб кўрмаган эканман. Аммо сенга асл хакикатни айтаман: сени шу ерда, йўл ёкасида учратдим, юлдуз кўзларингни кўрдим-у, юрагим кафасдаги кушдек потирлаб сен томон интилди. Мана энди, агар сенга маъкул тушмаган бўлсам, дангалини айтавер, мен индамай ўз йўлимга кетаман. Лекин, агар сенинг назарингга бошка йигитлардан кам жо-йим йўк бўлса – уни билдир. Мен йўлимдан бурилиб, бу кеча отангнинг мехмони бўлай, кейин эрталаб туриб, мухтарам падари бузрукворингдан сенинг кўлингни сўрай.

Кокуа унинг бу гапларига хеч нима демади, факат денгизга, олис-олисларга тикилганча, жилмайиб кўйди.

– Сукут аломати ризо, – деди Кеаве. – Унакада, Кокуа, уйингга йўл бошла, отангнинг хузурига биргалашиб кирайлик.

Киз хануз сукут саклаганича олдинга ўтиб йўл бошлади, кейин икки марта ўгирилиб, йигитга бир зум кўз ташлади ва яна ўз йўлига караганча, шляпасининг богичини тишлаган кўйи кетаверди. Улар уйга якинлашганларида Киано айвонга чикиб, Кокуа Кеавенинг номини айтиб, баланд овозда сўрашди. Ана шунда Кокуа Кеавега кўзларини катта-катта очганича караб колди, чунки унинг ажойиб уйи хакидаги овозалар кизга хам етиб келганди. Карамасинми яна!

Улар бутун окшомни биргаликда ниҳоятда шод-хуррамлик билан ўтказишди.

Ота-онасининг олдида кизнинг тили очилиб кетиб, Кеавега хазил-хузул кила бошлади, акли ўткир, тийраккина, зийраккина экан. Эртасига эса Кеаве Киано билан гаплашиб олди, кейин кизни излаб, ёлғиз холда топди.

– Кокуа, – деди у, – кеча бутун окшом устимдан кулиб ўтирдинг. “Мени тинч кўйгин-у, ўз йўлингга кетавер”, демокчи бўлсанг, хали хам кеч эмас. Кеча кимлигимни айтгим келмади, чунки чиройли уйим бор ва у сенинг хаёлингни мандан – сени севадиган

одамдан хам кўпрок эгаллаб кўйишидан хавфсирадим. Мана энди сенга хаммаси маълум, агар корамни ўчиришимни истасанг, очигини айтиб кўя кол.

– Йўк, – деди Кокуа.

Бу гал у кулмади, Кеаве хам бошка хеч нимани сўрамади.

Икковлари ана шу тарика унаштирилди. Хамма нарса жуда тез рўй берди, лекин ёй ўки хам тез учади, милтик ўки эса янада учкуррок, бирок хар иккаласи нишонга тегиши мумкин. Ха, барчаси жуда шитоб билан юз берди, бирок айна пайтда жуда кўп нарса амалга ошди.

Энди кизнинг калбини Кеаве хакидаги ўй-фикрлар асир этганди, кора лава устига бостириб келувчи денгиз тўлкинлари гулдуриси ичра шу йигитнинг овози эшитиларди. Энди Кокуа хаётида бор-ўйги икки марта кўргани шу одам учун ота-онасини, тугилиб ўсган уйини хам тарк этишга тайёр эди.

Хўш, Кеавенинг ўзи-чи?! У кадимги дахмалар ёнидан ўтган тог сўкмогида от йўрттириб борар экан, шодон кўшиги мархумлар хоки ётган горларда акс-садо берарди. Кеаве ўзининг “Яркирок Уй”ига канот чикаргандек учиб келганида хам кўшик айтишдан тўхтагани йўк.

Кенг-мўл айвонда кечки овкатни тановул килаётганида хам шундай бўлди, хитой хизматкор хўжайини хар икки лукма орасида кўшик айтаётганидан ажабланарди. Куёш денгизга ботиб, тун хам кирди, Кеаве эса баланд сохилдаги уйининг айвонларида фонуслар ёгдусида хануз айланиб юрар экан, кўшигининг садолари шу якин орадан сузиб ўтаётган кемалардаги денгизчилар кўнглига гулгула соларди.

“Мен юксак-юксакликларга кўтарилдим, – дерди Кеаве ўзига-ўзи. – Хаёт бундан хам гўзалроқ бўлиши мумкин эмас; мен тог чўккисида турибман, бу ердан юкорига йўл йўк – факат пастга йўл бор, холос. Бугун илк бора барча хоналарни чирок ёкиб чарогон килишни буюраман, иссик-совук сувли чиройли ховузимда чўмиламан ва ётоқхонамдаги никох тўшагига ёлгиз ўзим ётаман”.

У хитой хизматкорини уйготиб, хаммомни тайёрлашни буюрди, хизматкор пастда козонга ўт калар экан, хўжайини юкорида, чарогон хоналарда бахтдан энтикиб кўшик айтаётганини эшитиб турарди. Сув исиганида хизматкор хўжайинни чакирди ва Кеаве чўмилишга ўтди. Хизматкор хўжайини мармар ховузга сув тўлдираётиб хам кўшик айтаётганини эшитиб турарди. Кейин кўшик бирдан узилди.

Хизматкор у яна янграшини бутун вужуди кулокка айланиб кутиб тураверди ва охири, пастда турган жойидан хўжайинни чакириб, хамма нарса жойидами, деб сўради. Кеаве “ха” деди-да, хизматкорга ухлашни буюрди. Бирок энди “Яркирок Уй”да кўшик бошка эшитилмади. Хитой хизматкор унинг хўжайини бутун тунни бедор ўтказиб нак тонгга кадар айвонларни кезиб юрганини сезиб турарди.

Ана энди нима гаплигини эшитинг. Кеаве чўмилиш учун ечинганида кояда йўсин пайдо бўлганидек танасида бир дог пайдо бўлганини кўриб колди. Ана шунда у кўшик айтишдан тўхтади. Негаки у йўсинга ўхшаш бу дог нималигини биларди; “хитойча касал”га, оддийроқ килиб айтганда, мохов дардига йўликканини англаб етганди.

Нимаям дердик, бундай хасталик – хар кандай одам учун катта бахтсизлик. Бундай аччик кисматга учраганлар ўзининг чиройли ва шинам уйини тарк этиши, барча ёр-дўстларидан айрилиши хамда Молокаи оролининг денгиз тўлкинлари яланг кояларга гулдурос билан урилиб ётган шимолий сохилига кўчиб бориши керак.

Шўринг кургур Кеаве боякиш! Пешонасига битилган кайлигини куни кечагина топган, унинг мухаббатига шу бугун эрталаб сазовор бўлганди-я! Мана энди жамики

орзу-умидлари, ширин хаёллари шишадек чилпарчин бўлиб турибди!

У мармар ховуз лабида узок ўтирди, кейин фарёд билан ох уриб сакраб турди ва ташкарига отилди; гам-ташвишлардан эзилган кўйи айвонларда яна узок вақт гирён кезинди.

“Аждодларимнинг ватани бўлган Гавайини такдирга нола килмай тарк этишим мумкин, – деб ўйларди Кеаве. – Кисматимга лом-мим демай бўйсуним, шу уйни, баланд сохилда кад кўтарган кўп деразали шу ажойиб уйимни ҳам ташлаб кетишим мумкин. Заррача ношукурчилик килмай, Молокаига, яланг қоялар орасида йўқолиб кетган ўша Клаупапуга йўл олишим, ўша ерда дахшатли дардга мубтало бўлганлар орасида колган умримни бир амаллаб яшаб ўтишим ва ўша ерда, ота-боболаримнинг еридан йирок-йирокларда абадий уйкуга кетишим ҳам мумкин.

Бирок қайси ёвуз ишларим учун, қайси гуноҳларим учун куни кечагина Кокуани, денгизда чўмилиб, сувдан гул-гул яшнаб чикиб келаётган шу кизни учратишим лозим эди? Ох, Кокуа, халоватимни олган киз! Хаётимнинг мазмунига айланган малак! Энди мен сени ҳеч қачон кўра олмайман, меникисан деб ҳеч қачон айта олмайман, энди ҳеч қачон багримга босиб эркалата олмайман! Энди факатгина сени деб, сени ўйлаб, куйиб-ёниб ўтаман, о, Кокуа!”

Кеаве қандай одамлигини энди тушуниб олгандирсиз. У ўзининг “Яркирок Уй”ида бир умр бегам-беташвиш яшаши мумкин эди, бедаво дардга чалинганидан ҳеч ким хабар топмасди. Аммо Кокуадан айрилганидан кейин бу хаётнинг нима кизиги бор унга! У яна, касаллигини яшириб, Кокуага уйланиши ҳам мумкин эди, кўпчилик шундай килган бўларди ҳам, чунки улар чиркин калб эгаларидир. Бирок Кеаве кизни мард эркакларга хос фидойилик билан севади, унинг хаётини хатарга кўйишни, дилига озор етказишни хатто ха-ёлига ҳам келтиролмади.

Шу зайлда ўтирар экан, вақт ярим тундан ошган пайтида Кеаве бирданига шишани эслаб колди. Кейин уйнинг орқа айвонига ўтиб, унинг сўрови билан шиша ичидаги шайтон ўзини кўрсатган кунни хотирасида тиклашга урина бошлади. Кеаве ўша кунни кўз олдига келтирди ва айни пайтда томирларида югураётган кон музлаб колгандек туюлди.

“Бу шиша – дахшатли нарса, – деб ўйларди у, – шайтон ҳам, жаханнам алангасида абадий ёниш ҳам дахшат. Бирок, бу дарди бедаводан фориғ бўлишим ва Кокуага уйланишим учун бошқа қандай йўл бор, ахир? Начора, модомики, шу уй учунгина шайтонга боғланиб қолишдан чўчимаган эканман, Кокуага етиш йўлида унинг хизматидан яна бир бор фойдалансам нима бўлибди?”

Шу лахзада Кеаве “Нух кемаси” айнан эртага Гонолулуга қайтишини эслаб колди.

“Дархол Гонолулуга йўл олишим ва Локакани излаб топишим керак, – деб ўйлади у. – Энди бор-йўқ умидим ана шу шишадан. Бир вақтлари ундан кутулишни қанчалик хоҳлаган бўлсам, уни яна кўлга олишни шунчалик хоҳлайман”.

Кеаве шу кеча мижжа қокмай чикди, эрталаб томогидан бирон лукма ўтмади. У шоша-пиша Кианога мактуб ёзди ва отга миниб, тоғ сўкмоги бўйлаб, аждодлар хоки ётган қояни айланиб ўтиб, пастга – кема келадиган жойга тушиб борди. Ёмгир ёғар, от йўртиб борар, Кеаве эса горларнинг қоп-қоронги оғзига тикилар экан, ичкарида қайгу-алам нималигини билмай, абадий уйкуга кетган марҳумларга хавас киларди. Атиги бир кунгина аввал шу ердан шод-масрур холда от чоптириб ўтганини эслар ва бунга ишонгиси келмасди.

Кеаве ана шу хаёллар билан Хоокенага етиб борди, у ерда эса одатдагидек, пароход

келишини кутиб олгани хар томондан одам тўпланган эди. Хамма дўкон олдидаги бостирма остига жойлашган, ўзаро хазил-хузул килиб, янгиликлардан гаплашиб ўтиришарди. Юрагини ит тирнаётган Кеавегина гап-сўзларга аралашмас, бошқалар катори ўтирган кўйи томларни юваётган ёмгирга, қоялар оралигида кайнаб ётган тўлқинларга тикилар, ахён-ахёнда огир-огир хўрсиниб кўярди.

– “Яркирок Уй”да яшовчи Кеавенинг бугун машки пастрок, – дея ўзаро шивирлашарди одамлар. Начора, чиндан ҳам шундай, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди.

Шундан сўнг пароход келди ва Кеаве кайикда унга етиб олди. Кеманинг куйрук кисми хаоле – ок танлиларга тўла, улар ўз одатлари бўйича вулкон отилишини томоша килгани келишган. Палубанинг ўрта кисмига канаклар\*\*\*\*\* тикилиб кетган, тумшук кисми эса Хилодан келтирилаётган ёввойи букалар ва Каюдан олинган отлар билан банд. Гам-гуссадан эзилган Кеаве хеч кимга аралашмай бир чеккада ўтирар, сохилда Кианонинг уйи қачон кўринишини кутарди. Мана, шундоққина денгиз киргогида, коп-кора қоялар оралигида, кокос палмалари соясидаги уй кўринди. Эшик олдида эса узокдан худди капалакдек бўлиб кизил юбка кўзга ташланар, у баайни хакикий капалакдек учиб кўнар, тинмай парвоз килар эди.

– О, калбим сохибаси! – дея хитоб килди Кеаве. – Сенга етишиш йўлида мен иймонишни сотишга ҳам тайёрман!

Тез орада кеч кирди, каюталарда чироклар ёкилиб, хаоле\*\*\*\*\* ўз одатларига кўра виски ичиб, карта ўйнашга киришди. Кеаве эса бутун тунни ва эртасига пароход Маун ва Молокаиини айланиб ўтар экан, бутун кунни ҳам палубани кезиб ўтказди. Бир ерда тинч ўтиролмас, кафасга тушиб колган коплон мисоли безовталаниб, ўзини каерга кўйишни билмасди.

Кош қорайган махалда улар Олмос Бурундан ўтиб, Гонолулу гаванига кириб боришди. Кеаве йўловчилар оломони билан биргаликда сохилга тушди ва шу захотиёк Лопакани излашга киришди. Бирок маълум бўлишича, Лопака шхуна сотиб олиб – бунака чиройлиси бутун оролларда йўк эмиш! – каергадир олис сафарга: Пола-полагами ёки Кахникигами, жўнаб кетибди. Энди уни топиш амримахол эди.

Шу ўринда Кеаве Лопаканинг бир дўсти – шу шаҳарда яшовчи саркорни (исмини айтмай кўя қолай) эслаб қолиб, ўшани суриштира бошлади. Унга айтишларича, бу одам бирданига ниҳоятда бойиб кетибди ва ўзига Вайкини сохилидан чиройли бир янги уй сотиб олибди. Бу хабар Кеавени ўйлантириб кўйди ва у извош ёллаб, ўша уйни излаб кетди.

Уй ҳам, бог ҳам яп-янги, эндигина барпо килингани яккол кўриниб турар, уй эгаси ҳам мамнун-шод киёфада эди.

– Хўш, хизмат? – деб сўради у.

– Сиз Лопаканинг дўстисиз, – деди Кеаве, – у эса мендан бир нарсани сотиб олганди. Ўша нарсани излаб топишимда менга ёрдам берарсиз, деган умидда келувдим.

Уй эгасининг чехраси шу захотиёк тундлашди.

– Мистер Кеаве, – деди у. – Ўзимни овсарликка солиб, гап нима хакида бораётганини билмаётгандек кўрсатмай кўя қолай. Бу иш гоят шубхали ва охири бахайр бўлмаслиги аниқ, факат, ишонинг, мен аниқ бир нарса айтолмайман, лекин айрим нарсаларни тахмин килишим мумкин. Менимча, баъзи жойлардан сўраб-суриштириб, кўшимча нарсаларни билиб олишингиз мумкин, деб ўйлайман.

У шундай деб Кеавега бир одамнинг номини айтди, келинг, уни ҳам ошкор этмай кўя қолайлик. У ёгига шу зайлда кетаверди, Кеаве Худонинг берган кунни бир одамдан

иккинчисига борар, у эса ўз навбатида яна бошқасига йўллар эди. У хамма жойда янги либосларни ва янги экипажларни, чиройли янги уйларни ва багоят бахтли одамларни учратарди. Бирок Кеаве нима иш билан келганини айтган захотиёк бу одамларнинг шодон чехрасини гўё кўланка коплаб олгандек бўларди.

“Шашанинг изига тушганим аниқ, – деб ўйларди Кеаве. – Мана шу бойликларнинг бари – шайтоннинг тухфаси, бу одамларнинг мамнун киёфаси эса улар хоҳлаган нарсаларини кўлга киритгач, лаънати шашадан эсон-омон кутулиб олганларидан далолат беради. Качонки рангпар чехрани учратсам ва огир хўрсинишларни эшитсам, ана ўшандагина мақсадимга яқинлашган бўламан”.

Ва ниҳоят, Кеавени Беритания-стритда яшовчи ок танли бир одамнинг уйига йўллашди. Кеаве у ерга етиб борганида кечки овқат махали бўлиб колганди. Бу жойда хам у одатдагидек янги уйни, янги богни, электр чирокларидан чарогон деразаларни кўрди. Бирок уй эгаси чиқиб келганида Кеавенинг юраги орқасига тортиб кетди, чунки унинг каршисида кўзлари киртайиб, ич-ичига тушган, сочлари паришон, ранги мурданикидек оппок бир ўсмир турарди. Унинг киёфаси бошдан-оёқ худди ўлимга хукм килинган одамнинг киёфасини эслатарди.

“Шиша шу ердалиги аниқ”, – деб ўйлади Кеаве ва бу одамнинг олдида ўз ниятини яшириб ўтирмади.

– Мен шашани сотиб олгани келдим, – деди у.

Беритания-стритда яшовчи ок танли ўсмир бу гапни эшитиб, каловланиб колди ва беихтиёр деворга суянди.

– Шиша дейсизми? – шивирлади у. – Сотиб олмокчимисиз? – У бўгилиб овози чикмай колди, кейин Кеавенинг кўлидан махкам чангаллаганича ичкарига судраб кирди, сўнгра иккита стаканни олиб, шаробга тўлдирди.

Ўз вақтида ок танлилар билан кўп ош-катик бўлиб кўникиб колган Кеаве тортиниб ўтирмади.

– Саломат бўлсинлар! – деб ичиб юборди ва кейин кўшиб кўйди: – Ха, мен шашани сотиб олгани келдим. Бахоси канча хозир?

Ўсмир бу гапни эшитиб, кўлидаги стаканни тушириб юборди, сўнгра Кеавега худди арвохни кўраётгандек караб колди.

– Бахоси? – аранг хитоб килди у. – Канча дейсизми? Нима, унинг нархини билмайсизми хали?

– Билганимда сўраб ўтирармидим, – эътироз килди Кеаве. – Лекин бунинг нимаси сизни хавотирга солаяпти? Шашанинг нархига бир бало бўлгани йўқми, ишкилиб?

– Унинг нархи жудаям тушиб кетган, мистер Кеаве, – йигитга тутила-тутила аранг сўзларди.

– Нима бўпти, камрок тўлар эканман-да, – деди Кеаве. – Уни канчага олгандингиз ўзи? Ўсмирнинг ранги доқадек окариб кетганди.

– Икки центга, – пичирлади у.

– Нима? – деди кичкириб юборди Кеаве. – Икки центга дейсизми? Шошманг, бундан чикди, сиз энди шашани факат бир центга сота оласиз, тўгрими? Уни сотиб олган одам эса... – Кеавенинг нафаси ичига тушиб кетди. – Демакки, бу шашани сотиб олган одам уни ҳеч қачон бошқа бировга сота олмайди! Шиша хам, ичидаги шайтон ўша бадбахтнинг кўлида ўла-ўлгунича колади, боякиш омонатини топшириши биланок уни дўзахга судраб кетишади!

Беритания-стритда яшовчи ок танли ўсмир Кеавенинг олдида тиз чўқди.

– Худо хаки ўтинаман, уни сотиб олинг! – деб ёлворарди у. – Унинг ёнига кўшиб бор бойлигимни ҳам берай. Шишани шу нархда сотиб олганимда телбанинг ўзи эдим. Давлатнинг пулини ўзлаштириб кўйгандим ўшанда, агар шу шишани сотиб олганимда турмага камалишим тайин эди.

– Ох, бечора-я! – деди Кеаве. – Кингир ишинг учун конуний жазо олишдан кочиб, шу дахшатли ишга кўл ургансан, иймонингни сотгансан! Шундай экан, мухаббат кутиб турган пайтда мен иккиланиб ўтирайми? Кани, ол шишани, кайтимни ҳам бер – уни тайёр килиб кўйганингни биламан. Мана сенга беш центлик танга!

Кеаве тўгри топган, ўсмир стол тортмасида кайтимни тайёрлаб кўйган экан. Шиша кўлдан-кўлга ўтди ва бармоклари унинг ингичка бўйнидан тутган захотиёк Кеаве шайтонга шипшиб, дахшатли касалликдан халос бўлиш истагини билдирди. У ёгига нима бўлди, деб ўйлайсиз? У мехмонхонадаги хонасига кайтиши биланок ечиниби, баданини кўзгуга тутди: териси худди чакалокникидек топ-тоза эди.

Бирок галати хол юз берди, шу мўъжиза амалга ошган захотиёк Кеавенинг калбида хамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Энди унинг назарида моховлик дарди ҳам арзимагандек туюлар, хатто Кокуани ҳам деярли эсламай кўйганди. Энди яккаю ягона бир фикр унга тинчлик бермас – иблис ва шиша билан умрининг охиригача богланиб колганини, жаханнамнинг абадий алангаси ҳамда оташ чўгларидан энди уни ҳеч нима куткара олмаслигини ўйлагани-ўйлаган эди. Унинг кўз ўнгида дўзах олови ловулагани-ловулаган, калби карахт холга келиб, бутун ёруг дунё зимзиё зулмат бўлиб кўринарди.

Кеаве бирмунча ўзига келганида кеч кирган, мехмонхонада оркестр куй-кўшик ижро этишни бошлаган эди. У мусика оханглари томон юрди, чунки ўзининг гам-ташвишлари билан ёлгиз қолишдан чўчирди. Ўша ерда, шодон чехрали одамлар орасида халоват билмай дайдиб юрар экан, мусика садолари гох баландлашиб, гох пасайишини эшитар, дирижёр кўлидаги таёкчасини садоларга монанд холда ўйнатишини кўрарди. Аммо доимо кулокларига дўзах алангасининг гувиллаши эшитилар, кўзларига жаханнамнинг коп-кора қаъридан отилиб чиқаётган олов тиллари кўринарди, холос.

Шу пайт оркестр “Ки-ки-ао-ао” кўшигини бошлаб юборди. Бу кўшикни Кеаве Кокуа билан биргаликда кўп бора куйлаганди, мана энди таниш оханглар унга далда бераётгандек бўлди.

“Ўтган ишга саловат, – деб ўйлади у, – шу ишга жазм этибманми, лоакал бирон фойдаси тегсин”.

Кеаве биринчи пороходда Гавайига кайтди ва пайсалга солиб ўтирмай Кокуа билан тўйини ўтказди, кейин уни тоғлар чўккисида кад кўтарган “Яркирок Уй”ига олиб келди. Хулласи калом, Кеаве билан Кокуа бирга яшай бошлашди. Икковлари биргалик пайтларида Кеавенинг дард-гамлари бироз пасайгандек бўлар, аммо ёлгиз ўзи колди дегунча, яна дахшатли фикрлар унинг бутун борлигини исқанжага олиб тилкалай бошлар, яна кулокларига дўзах алангасининг гувиллаши эшитилар, кўзларига жаханнам қаъридан отилиб чиқаётган аланга тиллари кўринаверарди.

Киз эса бутун борлиги билан Кеавега богланиб колди, уни кўрди дегунча калби ўз-ўзидан куйлаб кетар, кўллари унинг кўлларига интиларди. Кокуа бошдан-оёк шу қадар очилиб-яшнаб кетган эдики, бу бекиёс гўзалликка кўзи тушган одам шодон табассум қилмай туролмасди. Киз ниҳоятда мулойим, очиккўнгил, хар қандай одам учун бир огиз ширин сўз топа оларди.

Кокуа кўплаб кўшикларни билар, “Яркирок Уй”нинг уччала қавати бўйлаб кушчадек

учиб-кўниб куйлар, шу ердаги хамма нарсадан хам ўзи кўпрок яраклаб кўринарди. Кеаве унга караб, кўшиқларини эшитиб, бахтидан энтикар, кейин эса бирок пасткам, кўздан пана жой топиб, яна изтиробларга берилар, бу бахт унга канчалик кимматга тушганини ўйлаб, юрак-багри пора-пора бўлар, ох уриб, фарёд чекарди.

Кейин яна кўз ёшларини куришиб, юзларини чайиб, Кокуанинг ёнига келар, кенг-мўл айвонда унинг ёнида ўтириб, кўшигига жўр бўлар, ичини ит тирнаб турган бўлса хам унинг табассумига табассум билан жавоб кайтарар эди.

Бирок аста-секин вақт ўтиб, шундай кунлар келдики, Кокуа уй бўйлаб авваллари каби капалакдек парвоз килмай кўйди. Кўшиқ айтишлари хам анча камайиб колди. Эндиликда Кеавенинг ўзигина бирон бурчакда ох-вох килмас, икковлари хам бир-бирларидан узоклашишга уринишар, шундок махобатли “Яркирок Уй”нинг карама-карши икки чеккасидаги айвонларда ўтиришар эди.

Кеаве ўзининг дарди дунёсига шу қадар шўнгиб кетгандики, бу ўзгаришларни деярли сезмас, ва аксинча, ёлғиз ўзи қолишига ва аччиқ кисматини ўйлаб эзилишига имкон кўпрок қолаётганидан хурсанд хам эди. Негаки, юрак-багри лов-лов ёнаётган пайтда хам хадеганда ўзини мажбурлаб қолишига хожат йўк-да, энди!

Бирок бир гал у уй бўйлаб охиста кезиниб юрганида худди бола йиглаётгандек бўлиб туюлди. Бориб карасаки – Кокуа юзтубан тушиб, айвоннинг тош сахнига бош уриб, зор-зор йиглаб ётибди.

– Тўғри киласан, Кокуа, бу уй гурбатхонанинг ўзи, – деди Кеаве. – Лекин хар калай, локал сен бахтли бўлишинг учун умримнинг ярмидан бажонидил воз кечган бўлардим.

– Бахт эмиш-а! – хитоб килди Кокуа. – “Яркирок Уй”ингда ёлғиз ўзинг яшаётган махалларинг хамма сени оролдаги энг бахтли одам деб биларди. Чунки чехрангдан табассум аримас, тилингдан кўшиқ тушмас, киёфанг бошдан-оёқ тонг шафагидай чарогон эди. Кейин сен бечора Кокуага уйландинг-у – у сенга нимаси билан ёкмай колгани ёлғиз Худога аён! – ўшандан буён шод-хуррамлик сени тарк этди. О, Парвардигор! – дея кичкириб юборди Кокуа. – Нима ёмон иш килдим, ахир?! Мен гўзалман ва ўзимнинг Кеавемни каттик севаман, деб ўйлардим. Хўш, айбим нима? Эримнинг хаётига қандай ташвиш-андух келтирдим?

– Кокуа боякиш, – деди Кеаве. Кейин унинг ёнига ўтириб, кўлини олмокчи бўлувди, киз кўлини тортиб олди. – Кокуа боякиш, – дея такрорлади у яна. – Бечорагинам... Тенгсиз гўзалим. Холбуки, мен сени гам-кайгудан асраб қолишни ўйлагандим. Начора, мана энди хамма нарсани биласан-кўясан. Балки ўшанда шўрпешана Кеавега локал ачинарсан; балки ўшанда у сени канчалик каттик севганини, сенга етишиш учун хатто дўзахдан хам кўркмаганини тушуниб етарсан. Шу бахтсиз, абадий азобга махкум одам сени хали-хануз каттик севишини, сени кўрганида қолишга хамон холи келишини балки ўшанда англай оларсан.

Кеаве шундай дегач, бор гапнинг хаммасини, хеч нарсани яширмай айтиб берди.

– О Худо, шу ишларни сен хали мен учун килдингми?! – дея ох уриб юборди Кокуа. – У холда хавотирланишга менда хеч қандай асос йўк экан! – У шундай деб эрининг бўйнига осилди ва қувонч-шодлик ёшларини тўқа бошлади.

– О фариштагинам-а! – хитоб килди Кеаве. – Дўзах алангасини ўйлаганимда хавотирланиш учун менда асос бор-да!

– Бундай дема, – деди киз. – Айбинг бўлмай туриб, садокатли Кокуангга мухаббатингнинг ўзи учунгина охиратинг куйиши мумкин эмас. Менга кара, Кеаве: сени мана шу кўлларим билан куткараман ёки сен билан биргаликда халок бўламан. О Кеаве!

Сен мени шу кадар севар экансанми, бу йўлда хатто иймонингни сотибсан, шундай экан, сени халос килиш учун мен ўз хаётимни курбон килсам арзимайдими?

– Эх, менинг кушчагинам-а, сен ўз хаётингни юз марта курбон килишинг мумкин, аммо бу бирон нимани ўзгартира олармиди? – дея ох урди Кеаве. – То хисоб-китоб пайти келмагунча мен колган умримни ёлғизликда ўтказишга махкумман, ахир!

– Сен ҳеч балони тушунмаяпсан, – эътироз билдирди Кокуа. – Мен оддий, бесавод киз эмасман – Гонолулудаги мактабда ўқиганман. Сенга айтаяпман-ку, мен севимли эримни куткариб коламан. Сен бир цент дедингни? Бирок дунёда муомалада бўлган пуллар факат Американики эмас-ку! Англияда, масалан, фартинг деб аталувчи танга бор, кийматига кўра бир центнинг деярли ярмига тенг келади.

– Йўк, йўк, буям тўгри келмасакан! – дея хитоб килди Кокуа. – Бу бизга ёрдам беролмайди: чунки шишани бир фартингга сотиб олган одам тамом бўлди деявер, сабаби – менинг Кеавеимга ўхшаган яна бир довюрак одам топилиши даргумон! Лекин яна Франция ҳам бор, у ерда сантим деб аталувчи чака танга муомалада юради, бир центга улардан беш-олтитасини беради. Бундан яхшироқ усулни йўлаб тополмаймиз. Сафарга отлан, Кеаве, француз оролларига йўл оламиз. Кемага чиксак, тез орада Таитига етиб борамиз. У ерда эса шишани тўрт сантимга, уч, икки, бир сантимга сотиш ҳам мумкин. Бир йўлаб кўргин-а, шишани яна тўрт марта сотиш имконияти бор, бу иш билан шугулланиш учун эса биз энди бир киши эмас, икки кишимиз! Кеавегинам, энди мени бир ўпиб кўйгин-да, гам-гуссаларингни йигиштир. Кокуанг сени кулфатда ташлаб кўймайди.

– Сени менга Худонинг ўзи етказди! – дея хитоб килди Кеаве. – Сендек хазинага етишишни орзу килганим учунгина Худо мени жазолаши мумкинлигига ишонмайман! Хаммаси сен айтганча бўла колсин: каерга десанг кетавераман, ўз хаётимни ҳам, иймон-охиратим такдирини ҳам ўзингга ишониб топширдим.

Эртасига эрталабданок Кокуа сафарга тараддуд кўра бошлади; Кеаве денгиз сафарларида ўзи билан олиб юрадиган сандикчани топиб, авваламбор унинг энг тубига, бир бурчагига шишани тикди, устидан эса энг кимматбахо кийимларни, уйда бўлган энг гаройиб ўйинчокларни жойлаштирди.

– Хамма бизни бой-бадавлат деб хисоблаши керак, – деди у, – акс холда сирли шишага ким ҳам ишонарди, ахир!

Кокуа йўлга отланар экан, хамиша кушдек шод-хандон эди, факат баъзида эрига киши билмас кўз кирини ташлаганида беихтиёр кўзларига ёш куйилиб келар, кейин югургилаб ёнига бориб, уни меҳр билан ўпиб кўярди.

Кеавенинг эса елкасидан тоғ ағдарилгандек эди; энди, сирини Кокуага очганидан кейин унинг олдида умид учкунлари милтиллагандек бўлди; у гўё кайта тугилгандек яна шахдам кадам ташлар, хўрсинишлари ҳам колган эди. Бирок барибир кўркув уни бутунлай тарк этмаган; вакти-вакти билан, шамнинг заиф алангаси шамол эпкинида ўтаётгандек, унинг умидлари ҳам ўча бошлар, шунда яна кўз ўнгида дўзах алангаси гувиллар, олов тиллари лопиллаб турарди.

Улар шу захотиёк кўнгил ёзиш учун Штатлар бўйлаб саёхатга йўл олаётганлари хакида овоза таркатишди ва хамма бундан жудаям ажабланди, лекин кимдир асл хакикатдан хабар топганида хайрати янада ортиши турган гап эди. Хуллас, Кеаве билан Кокуа “Нух кемаси”да Гонолулуга, у ердан эса ок танли йўловчилар оломони билан биргаликда “Уматилла”да Сан-Францискога йўл олишди.

У ердан “Тропиклар куши” номли почта бригантинасига чикиб, французларнинг



Жанубий ороллардаги бош кароргохи бўлган Папеэтсга етиб келишди. Саёхат кўнгилдагидек кетди ва улар йўлакай пассат ёрдамида куёшли бир кунда кўзлаган манзилларига келиб тушишди.

Бу ерда тўлкинлар Маржон оролларига бош уриб ётар; Мотпутининг юксак палмалари; сохил ёкалаб охиста сузаётган шхуна; денгизнинг шундоқкина ёкасида, ям-яшил дарахтлар соясида ястаниб ётган шаҳарнинг оппок-оппок уйлари кўзга ташланар; уларнинг ортида эса Донишмандлар ороллари – Таитининг пурвикор тоғлари кўкка бўй чўзган, булутлар савлат тўкиб сузиб юришарди.

Икковлари маслахатлашиб, биронта уйни ижарага олган маъкулрок, деган тўхтамга келишди. Улар шундай килишди ва пулларини хаммага кўз-кўз килиш, отлари ва экипажлари билан бошқаларнинг диккати торттиш учун Англия консулхонасининг рўпарасидан бир уй олиб жойлашди.

Буларнинг бари осон кечди, чунки уларда шиша бор, Кокуа эса Кеаведан анча дадилрок бўлиб, хали у сабаб, хали бу сабаб шайтондан гох йигирма доллар, гох юз доллар талаб килаверарди. Шу тарика улар тез орада бутун шаҳарга ном чиқаришди, келгинди гавайиликлар, уларнинг отлари ва экипажлари, Кокуанинг анвойи либослари-ю кимматбаҳо такинчоклари хақидаги гап-сўзлар кўпайгандан-кўпа-йиб бораверди. Улар танти тилини анча тез ўрганиб олишди, чунки у мохиятан гавайи тилига бағоят ўхшаб кетар, факат айрим товушлари билангина фаркланарди. Тил ўрганиб олишгач эса шу захотиёк одамларга ўз шишаларини таклиф эта бошлашди. Лекин ўзингиз, албатта, тушуниб тургандирсиз, бунака ишга хатто киришишнинг ўзи ҳам унчалик осон эмасди. Ниятингиз жиддий эканига – ёшлик согломлиги ва битмас-туганмас бойлик манбаини атиги тўрт сантиметрга сотишга тайёр эканлигингизга одамларни ишонтириш бағоят машаққатли экан. Айни пайт-да шиша ичига яширинган хавф-хатарлар тўғрисида ҳам гапиришга тўғри келар, шундан кейин одамлар ё уларнинг сўзларига мутлако ишонмай кўйиб, очикчасига кулишар, ёки бунаканги шубхали битимдан кўрқиб, чехралари тундлашар ва Шайтон билан боғланиб қолган Кеаве хамда Кокуанинг ёнидан тезрок нари кетишга ошиқшарди.

Шишани сотиш йўлида заррача омадлари келмаётган эр-хотин кўп ўтмай шаҳар аҳолиси улардан ўзини олиб қочаётганини пайкаб қолишди. Болалар уларни кўрганда чинкириб, хар томонга қочишар, бу эса Кокуанинг юрагига ўткир ханжардек санчиларди.

Эр-хотинга дуч келган католиклар худди шайтонга учрагандек чўкиниб олишарди.

Бора-бора каттаю кичик барча ўзаро келишиб олгандек улардан иложи борица нарирок юрадиган бўлди.

Эр-хотиннинг рухи тушиб кетди. Улар кунни гам-ташвишдан эзилиб ўтказишар, тунлари эса ўзларининг янги уйларида мижжа кокмай, бир-бирларига хатто бир огиз сўз котмай чиқишарди. Бу сукунатни гох-гохида Кокуанинг тўсатдан ўкраб-ўкраб йиглаб юборишлари бузарди, холос.

Баъзан улар Парвардигорга ибодат қилишар; айрим холларда шишани олиб ўртага қўйишар ва унинг ичидаги бешакл соя бетиним липиллашига караганча, бутун окшомни шу алфозда ўтказишарди. Шундай лахзаларда кўркув уларни дам олишга қўймас; киприкларига уйку илинмасди. Мабодо биронтаси мудраб кетса хам уйгонганида коронгулик бағридан келаётган бўгик йиги товушини эшитар ёки ўзи ёлғиз қолганини кўрарди.

Зотан, уларнинг хар бири уйдан қочиб чиқишга, шишадан имкон қадар йироқрок бўлишга интиларди. Мўъжазгина богдаги бананлар остида ёки ойдин кечада денгиз соҳилида

айланиб юришни маъкул кўрарди.

Бир куни тунда ана шундай бўлди – Кокуа уйгонганида Кеаве кўринмасди. У ёнини пайпаслаб чикди, ўрни совиб улгурганига караганда эри чикиб кетганига анча бўлганга ўхшарди. Кокуани кўркув босди, у ўрнидан туриб ўтирди. Дераза копкогининг тиркишларидан ичкарига Ойнинг заиф нури тушаяпти. Унинг хонани ёритган ёгдусида Кокуа полда турган шишани кўрди.

Ташкарида бўрон гувиллар, уй олдидаги баланд дарахтлар кучли шамол остида аянчли гичирлар, шохлардан узилиб тушаётган япроклар айвон сахнида шитирларди. Бирок шу шовкин ичида Кокуа бош-ка товушларни хам илгай олди.

Бог тарафдан одамнингми, хайвоннингми, баайни ўлим олдидаги дахшатли ингроклари эшитилардики, бу товушлар Кокуанинг нак юрак-багрига тиг бўлиб санчилди. У охиста ўрнидан туриб эшикни очди ва Ой нурига чўмилган богга назар ташлади. У ерда, банан дарахти тагида Кеаве юзтубан тушиб ётар, кўксидан фарёд, ингрок отилиб чикарди. Кокуа эрининг ёнига югуриб бориб овутгиси келди, аммо ногахоний бир янги фикр уни тўхтатиб колди. Кеаве унинг назарида доимо мард ва жасур кўринишга уриниб келганди, бинобарин, энди Кокуа унинг заифлик, ожизлик лахзаларига, уят-номусига гувоҳ бўлиб колиши умуман тўгри келмайди. Ана шу фикр уни уйга кайтарди.

“Эй, Парвардигор! – деб ўйлади Кокуа. – Намунча бегам, намунча тубан кимса бўлмасам-а! Ахир, жаханнам азоби менга эмас, унга тахдид солаяпти-ку; иймонидан айрилиб, абадий каргишга мубтало бўлган мен эмас, у-ку, ахир! Мени деб, мендек бир аянчли, ожиз аёлга бўлган мухаббатини деб у энди кўз ўнгида жаханнамнинг ўтли копкаларини кўраяпти; ойдин кечада, гир-гир шамоллар кўйнида ётган жойида дўзахнинг бадбўй, кўланса тутунларини симираяпти!

Мен эса – мен! – хафтафахм ва тошбагир аёл бурчим нимада эканлигини шу пайтгача англаб етолмасам-а! Балки англаб ета олгандирман-у, ундан ўзимни олиб кочгандирман? Бирок мана энди, фурсатни бой бермай туриб, мухаббат йўлида мен ўз иймонимни ўз кўлим билан курбон киламан! Жаннатга элтувчи оппок пиллапоярларга, у ерда мени кутиб турган кадрдон ёр-дўстларимга энди мен “Алвидо!” дейман! Мухаббатга мухаббат билан жавоб кайтариш керак, менинг мухаббатим хам унинг мухаббатига тенг келсин илоё! У мени деб охиратидан кечибдими, унинг ўрнига менинг охиратим куя колсин!”

Кокуа чаккон-эпчил аёл эди, бир зумда кийиниб бўлди. Кейин чака тангаларни олди – бу бебахо сантимларни улар доимо тайёр холда саклашарди. Бу тангалар муомалада кам юргани учун уларни банкдан захира килиб олишганди. Кокуа кўчага чикканида осмонда шамол булутларни хайдаб юрар, улар эса Ой юзини тўсиб кўйишган эди. Бутун шахар уйкуда, аёл каерга боришни билмасди, шу пайт дарахтлар остидаги коронгиликда кимдир йўталаётганини эшитиб колди.

– Кария, – деди Кокуа, – хаво айниган шундай кечада сиз бу ерда нима килаяпсиз ўзи? Чол бетиним йўталар, кийинчилик билан сўзларди, лекин хар калай Кокуа у кашшок ва кексалигини, бу ерларда мусофир эканлигини тушуна олди.

– Менга бир ёрдам кўрсата олмайсизми? – деб сўради Кокуа. – Бу ерларга иккаламиз хам бегона эканмиз. Гавайи кизидан кўмагингни дариг тутманг...

– Э, бу сенмидинг – саккизта оролдан келган жодугар? – деди кария. – Хатто мендек бир кекса одамни хам тузогингга илинтиришни хохлаб колдингми хали? Бирок мен сен хакинда аллакашонлар эшитганман ва ёвуз жодуларингдан кўркадиган жойим йўк.

– Кел, бирпас ўтирайлик ва мен сенга бир воқеани хикоя килиб берай, – деди Кокуа ва

Кеавенинг бошига тушган балою кулфатларни бошдан-оёк айтиб берди.

– Хуллас, мен унинг хотиниман ва у бечора менга етишиш учунгина абадий бархаёт руhini шайтонга сотишга мажбур бўлган. Хўш, энди мен нима килишим керак? Шишани менга сотишини ўзим сўрагудек бўлсам, у албатта рози бўлмайди. Лекин шу таклифни агар сен айтсанг, у жон-жон деб кўнади. Мен эса сени шу ерда кутиб тураман. Сен шишани тўрт сантимга сотиб оласан, мен уни сендан уч сантимга сотиб оламан. Мен бахтикарога Парвардигорнинг ўзи мадад берсин!

– Мабодо мени алдагудек бўлсанг, Худо жонингни олсин, – деди кария.

– Майли, ола колсин! – дея кичкирди Кокуа. – Ваъдамдан асло шубхаланма, кария! Сени алдашимга Парвардигорнинг ўзи йўл кўймайди.

– У холда менга тўрт сантим бергин-да, шу ерда кутиб тур.

Бирок кўчада ёлгиз ўзи колганидан кейин Кокуани кўркув босди. Шамол дарахтлар тепасида увиллар, бу эса аёлга дўзах алангасининг гувиллаши бўлиб эшитиларди. Кўча фонуси ёгдусида соялар тебранар, бу эса аёл назарида шайтоннинг дахшатли чангаллари у томонга чўзилаётгандек бўлиб туюларди.

Кокуанинг мадори етганида дод солиб кочиб колган бўларди, аммо нафаси кайтиб кетди. На кичкиришга ва на жойидан кўзгалишга мажболи бор, кўча ўртасида худди кўркиб кетган гўдакдек даг-даг калтираганича турарди.

Шу пайтда у кария кайтиб келаётганини ва кўлида шиша борлигини кўрди.

– Мен илтимосингни бажардим, – деди чол. – Уйдан чикиб кетаётганимда эринг азбаройи кувонганидан ёш боладек йиглаб юборди. Бу кеча у энди хотиржам ухлайди. – Кария шундай деб шишани Кокуага узатди.

– Шошмай тур, – аёл нафаси бўгилиб, аранг гапирарди. – Модомики шайтоний кучга богланиб колибсанми, бу ишинг беҳуда кетмаслиги учун сенам бирон фойда ол. Шишани менга беришингдан аввал унга сени йўталдан кутқаришини буюр.

– Мен бир кекса одам бўлсам, – деди чол, – бир оёгим гўрда турган пайтда иблиснинг мархаматига мухтож эмасман. Хўш, сенга нима бўлди? Шишани нега олмаяпсан? Ё фикрингдан кайтиб колдингми?

– Йўк-йўк, кайтганим йўк! – дея хитоб этди Кокуа. – Шунчаки бир заифа аёлман. Андак сабр килгин. Шу лаънати шиша каршисида бошдан-оёк кўркувдан титраяпман, уни олгани кўлим бормаяпти асло. Яна бироз кутиб тургин, мен ўзимга келиб олай.

Кария Кокуага ачиниш билан каради.

– Ха бечорагина-я! Бутун борлигингни дахшат камраб олган, юрагинг балою кулфатларни сезаяпти чоги. Бўпти, шиша менда колаверсин. Ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлдим, бу дунёдан кутадиган кувончларим хам колмаган, энди у дунёга келсак...

– Бер менга уни! – деб кичкириб юборди Кокуа. – Ол пулингни. Мени шунчалик пасткашликка боради, деб ўйлаганимидинг хали? Шишани узат менга.

– Сени Парвардигор ўз панохида сакласин! – деди кария.

Кокуа шишани холокуси остига яшириб, чол билан хайрлашгач, боши оккан томонга караб кетди. Чунки энди унга хамма йўллар барибир – бари дўзахга олиб борарди. Аёл гох юриб, гох югурар, баъзан мусибатга тўлуг фарёди тун багрини тилкалаб ўтар, баъзан эса йўл ёкасида ерга юзтубан тушиб ётганча охиста йигларди.

Жаханнам хакида шу пайтгача нималарники эшитган бўлса, хамма-хаммаси кўз ўнгида гавдаланарди. У аланганинг олов тилларини кўрар, олтингугурт хидини сезар, чўглар оташи гулдек баданини жизганак килаётганини хис этарди.

Факат тонг сахарга борибгина у хушини йигиштириб олди ва уйига кайтди. Бу ерда

барча нарса кария айтганидек экан: Кеаве худди бешикдаги чакалоқдек ширингина ухлаб ётарди. Кокуа унга караганича туриб колди.

“Мана энди, эржоним, хотиржам ухлаш учун сенинг галинг келди, – деб ўйлади у. – Уйгонганингда эса истаганингча ўйнаб-кулишинг мумкин. Бирок боякиш Кокуа учун – гарчи у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам! – энди на халоват, на фарогат бор. Энди у ерда ҳам, осмонда ҳам рўшнолик кўрмайди”.

Кокуа шу ўй-хаёллар билан эрининг ёнига чўзилди ва гам-ташвиш эзиб ташлаган чоги, шу лахзадаёқ чуқур уйкуга кетди.

Эр хотинини уйготиб, ажойиб янгиликдан хабар берганида кун пешинга яқинлашиб колган эди. Кеаве кувонч-шодликдан нақ телбаланиб колгандек эди. Кокуанинг тили айланмас, аммо бунинг ахамияти йўқ: эри хар икковлари учун ҳам бетиним сўзларди. Аёлнинг томогидан бир лукма ҳам ўтмади, лекин буни ким ҳам пайкарди дейсиз! Кеаве ёлғиз ўзи барча таомни паккос тушириб кўйди.

Кокуа унга караб турар, гапларини гўё тушида эшитаётгандек эди. Кандай дахшатли ходиса юз берганини аёл баъзан бир сонияга унутиб кўяр, баъзан эса ҳеч нарса содир бўлмагандек туюла бошлар ва у кўлини пешанасига олиб борарди. Кокуа абадий азоб-кийноқларга махкум этилганини билар, бу ҳам етмагандек, эри худди ёш боладек бўлар-бўлмас гапларни валдирашига тоқат қилиши кераклигини ҳам тушунар ва булардан дарди-дунёси тамом қоронги бўлиб кетарди.

Кеаве эса шодон ёб-ичар, тинмай валақлар, уйга тезроқ қайтиш орзусида режалар тузарди. Уни кутқариб колгани учун Кокуага миннатдорчилик билдирар, уни суйиб-эркалаб, халоскорим деб атарди. Кейин эса азбаройи ахмоқлигидан шишани сотиб олган чол устидан кула бошларди.

– Аввалига менга туппа-тузук қариядек кўринувди, – дерди у. – Аммо ҳеч қачон одамнинг ташки кўринишига караб баҳо бериб бўлмас экан. Бу қари бадбахтга шиша нима учун керак бўлиб колганикан-а?

– Балки унинг ниятлари яхши бўлгандир, – охиста эътироз билдирди Кокуа.

Бирок Кеаве захарханда кулиб кўйди:

– Бемаъни гап! Сенга айтаяпман-ку, у нафакат қари тулки, балки гирт эшак ҳам экан! Шишани тўрт сантиметга сотишнинг ўзи қанчалик азоб бўлди, уни уч сантиметга оладиган телба умуман топилмаса керак. Негаки хавф-хатар ниҳоятда катта! Ундан у ёгига эса жаханнам оташи уфуриб турибди! – деб қичкириб юборди у ва кейин елкаларини қисиб кўйди. – Тўгри, мен ўзим уни бир центга сотиб олганман, лекин ўшанда бундан ҳам майдароқ тангалар борлигини хаёлимга келтирмагандим. Кейин эса тентақдек қийналиб юрдим. Аммо энди бошқа ахмоқ топилмаслиги аниқ, чунки шиша қимнинг кўлига тушса, уни тўғридан-тўғри дўзахга судраб кетиши шак-шубҳасиз!

– О, эржоним! – деди Кокуа. – Одам ўзини кутқариб, бошқа бировни абадий азоб-укубатларга дучор қилиши дахшатли эмасми, ахир? Назаримда, мен бу холдан кула олмасдим, уялган бўлардим. Гам-ташвишга тушиб, шу шиша кўлида колган шўрпешананинг хақиқа дуои илтижолар қилардим.

Унинг сўзлари хақиқат эканлигини сезган Кеаве янада жахлланиб кетди.

– Хали сен шунақамисан? – деб бақирди у. – Агар кўнглинг тусаётган бўлса, майли, хоҳлаганинг учун гам-ташвиш чекавер. Лекин хар қалай, эрига меҳрибон аёл учун шу иш ярашадими, муносибми? Менга салгина бўлса ҳам жонинг ачиганида шу сўзларингдан ўзинг хижолатга тушардинг!

У шундай деб уйдан чиқиб кетди ва Кокуа ёлғиз ўзи колди.

Шижани икки сантимага сота олишдан у кандай хам умид килсин энди? Бунинг хеч канака иложи йўклигини ўзи яхши тушунади. Хатто шундай умид-илинжи бўлган такдирда хам бунга фурсат кани? Эри бу ердан тезрок жўнаб кетиш пайида, борадиган жойларида эса цент-дан майдарок тангалар муомалада йўк. Аёл-ку ўзини курбон килди, лекин шундан нима наф бўлди? Мана, эртасига эрталабок эри уни силтаб ташлаб, уйдан чикди кетди.

Кокуа унинг ихтиёрида колган вақтдан фойдаланиб қолишга хатто уриниб хам кўрмади. Уйда ёлгиз ўзи ўтирган кўйи гоҳ шижани олиб, унга дахшат-вахима билан қарар, гоҳ яна титраб-қакшаб кўздан пана жойга олиб кўярди.

Нихоят, Кеаве уйга қайтиб, хотинига сайр қилиб келишни таклиф этди.

– Хозир тобим қочиб турибди, – дея жавоб берди Кокуа. – Мени кечирасан-у, лекин юрагимга қил хам сигмайди, ўйин-қулгуга хушим йўк.

Бу гапдан Кеавенинг баттар жахли қикиб кетди. Хотиним қарияга ачинапти деган хаёлда унга захрини соқди, аммо у тўгри гапираётганини кўриб тургани, ўзининг ноўрин шодлигидан уялаётгани учун ўз-ўзидан хам нафратланиб кетди.

– Хали шуми сенинг вафо-садоқатинг! – дея хайқирди у. – Хали шуми сенинг мухаббатинг! Эринг сenga бўлган мухаббати учун ўзини абадий азоб-уқубатларга гирифтор қилган эди, улардан аранг қутулиб қолганида эса сен хатто эрингинг қувончига шерик бўлишга хам ярамайсан! Бебурд, бевафо экансан, Кокуа!

Кеаве яна қахр-газабда уйдан отилиб қикди ва қун бўйи шақарда дайдиб юрди.

Дўстларини учратиб, улар билан бирга қайф-сафо қилди. Кейин улар экипаж ёллаб, шақар ташқарисига йўл олишди ва у ерда зиёфатни яна давом эттиришди. Бирок Кеаве хотини уйда гам-ташвишда эзилиб ўтирган бир пайтда ўзи ялло қилиб юрганини унута олмас, бундан беҳад изтироб чекарди. У хотини ҳақлигини юрак-юрагидан ҳис этиб турар, лекин шуни тушунгани учун хам бор аламини ичкиликдан олишга уринарди.

Уларнинг даврасида бир кекса хаоле, ниҳоятда пастқаш ва кўпол бир одам хам бор эди. Бир пайтлари у қит овловчи кемада боқман бўлиб хизмат қилган, кейин дайди-саёқлик билан қун кечирган, сўнгра олтин қонларида омадини синаб кўрган, турмада хам ўтириб қикқан эди. Юраги қора, оғзи шалоқ бу қимса ичкиликка муққасидан қетган, бошқаларни хам ичиришга уринар, Кеавени ҳадеб ичишга қистайверарди. Тез орада даврадагиларнинг биронтасида хам сарик қақа қолмади.

– Менга қара! – деди у шунда Кеавега. – Сен ахир бой-бадавлатсан-қу, ўзинг доим мақтаниб юрасан. Хар қил ҳунар кўрсатадиган шижанг бор, ахир!

– Ха, – деди Кеаве, – мен бой-бадавлатман. Хозир уйга бориб хотинимдан қул оламан, негаки қул унинг қўлида туради.

– Гирт аҳмоқ экансан-у, ошна, – деди боқман. – Қайси тентақ қулни хотин қишига ишониб бериб қўяди! Уларнинг бари хиёнатқор, маққор, оқар сувдек беқарор-қу, ахир. Сен хам хотинингга доимо кўз-қулоқ бўлиб юришинг қерақ.

Бу сўзлар Кеавенинг юрагига захарли нишдек санқилди, мастлигида боши гувиллаб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

“Балқи у қинданам менга хиёнат қилар, қаердан қилиб ўтирибман? – деб ўйлади у. – Мен нажот топганимда суюниш ўрнига қу-юнишига бало борми бўлмаса? Бирок бунақа қилик-найранқлари менга ўтмайди, унга кўрсатиб қўяман хали. Хозир тўгри бораман-да, нақ жинойат устида қўлга тушираман!”

Кеаве мана шу гумон-шубҳаларда шақарга қайтди, боқманга уни муқулишда, қадимги кўргон ёнида қутиб туришни буюрди ва ўзи уйига қараб йўл олди. Бу орада қеч қирган,

деразаларда чироклар кўринар, аммо уйдан тик этган товуг эшитилмасди. Кеаве бинони айланиб ўтиб, орка эшикка бикиниб борди ва уни охиста очиб, ичкарига назар ташлади. Хона ўртасида, ёниб турган лампа ёнида Кокуа ўтирар, унинг олдида эса сутранг-окиш тусли ва узун бўйинли бакалок шиша турар, аёл унга караб юм-юм йиглар эди.

Кеаве бу манзарани кўриб остонада михлангандек туриб колди, узок вақтгача жойидан силжий олмади. Аввалига у хайкалдек тош котди, ҳеч нарса ни ўйлаёлмай тураверди, кейин эса уни кўркув камраб олди. У нима учундир битим амалга ошмай колган-у, шиша худди Сан-Францискода бўлганидек яна ёнимга кайтиб келган, деган хаёлга борди. Шу лахзадаёқ тиззаларидан мадор кетиб, кайфи ҳам баайни дарё тепасидаги туман тонг сахарда эриб кетганидек, бир зумда таркади колди. Лекин бирданига хаёлига янги, жуда галати бир фикр келди-ю, уят-номусдан юзларига кон тепди.

“Буни текшириб кўриш керак”, – деб ўйлади у.

Кеаве эшикни охиста ёпди, уйни яна астагина айланиб ўтди, кейин эса гўё эндигина кайтиб келаётгандек тапир-тупур килиб ортига юрди. Хўш, нима бўлди у ёғига? У катта эшикни очиб ичкари кирганида шишанинг кораси ҳам кўринмасди, Кокуа эса оромкурсида ўтирган кўйи уни кўрганида бир сесканди ва гўё уйкудан уйгонгандек бўлди.

– Мен бутун кунни кайф-сафо билан ўтказдим, – деди Кеаве. – Ажойиб дўстларим даврасида эдим, ҳозир эса пул олгани келдим – зиёфатимизни яна давом эттирмоқчимиз.

Унинг чехраси ҳам, овози ҳам мудхиш тусда эди, аммо ўз ёғига ковурилиб ўтирган Кокуа ҳеч нимани пайкамади.

– Тўғри киласан, эржоним, чунки бу ердаги ҳамма нарса сеники, – деди у синик овозда.

– Ха, мен доимо тўғри иш киламан, – деди Кеаве ва тўғри сандикча ёнига бориб, ичидан пул олди. Айни пайтда у сандикчанинг шиша турадиган бурчагига кўз ташлашга улгурди, аммо у кўринмасди.

Шу аснода Кеавенинг бирдан кўзи тиниб, боши айланиб кетди, назарида бутун олам остин-устун бўлаётгандек эди. Чунки у энди ҳамма нарса барбод бўлганини, бу ёғига ҳеч қандай нажот йўқлигини англаб етган эди.

“Айнан ана шундан кўрккандим, – деб ўйлади. – Демак, шишани хотиним сотиб олгани шубҳасиз”.

Нихоят, у ўзига келиб, чикиб кетмоқчи бўлди, аммо ёмгирдек сероб ва булок сувидек совук тер томчилари юзларидан куйилиб келарди.

– Кокуа, – деди Кеаве. – Бугун сенинг кўнглингни огритиб кўйганим чакки бўлди. Ҳозир дўстларимнинг кувнок-шодон даврасига кайтаман ва базми жамшидни яна давом эттираман. – Шу ўринда у сал кулгандек бўлиб, кўшимча килди. – Лекин агар сен мени кечирсанг, кўнгилхушлигим ҳам сал татирмиди.

Кокуа унга отилиб, тиззаларини кучоклаб олди, бош уриб, кўз ёшлари тўкди.

– О! – деёлди у огрикли охангда. – Менга сенинг ширин сўзларингдан бошка ҳеч нарса керак эмас!

– Бундан бу ёғига бир-биримиз ҳакимизда ёмон хаёлга бормайлик асло, – деди Кеаве ва уйдан чикиб кетди.

Ана энди кейин нима бўлганини эшитинг. Аслида Кеаве улар бу ерга келишган захотиёк захира килиб кўйишган пулдан атиги бир неча сантим олганди, холос. Кайф-сафо килиш шу тобда унинг хаёлига ҳам келмасди. Хотиники уни деб ўзини дўзахга тутиб берибдими, энди уни деб Кеаве ўзини жаханнамга отиши керак. Шу лахзаларда у бундан

бўлак ҳеч нарсани ўйлай олмасди.

Боцман уни муюлишда, кадимги кўргон ёнида кутиб турарди.

– Шишани хотиним эгаллаб олибди, – деди унга Кеаве. – Агар уни кайтариб олишимга сен ёрдам бермасанг, бугун иккаламиз учун пул ҳам, ичкилик ҳам йўк.

– Шиша хакидаги гапларинг ростми, хазиллашмаяпсанми мабодо?

– Кани, фонус остига юр-чи, – деди Кеаве. – Энди менга бир кара: хазиллашаётганга ўхшайманми, йўкми?

– Гапинг рост, – деди боцман. – Арвохнинг киёфаси ҳам сеникичалик жиддий бўлмаса керак.

– Унакада кулок сол, – деди Кеаве. – Мана сенга икки сантим. Хозир хотинимнинг ёнига борасан-да, шишани шу пулга сотиб оламан дейсан. Агар мен тўгри тушунган бўлсам, у ўша захотиёк беради. Шишани бу ерга олиб келасан ва мен уни сендан бир сантимга сотиб оламан. Чунки конун-коидаси шунака: бу шишани факат зарарига сотиш мумкин. Ха, энди бир гап: сени мен юборганимни хотинимга айтиб қўймагин-а, яна!

– Мени лакиллатмаяпсанми ишкилиб, ошна? – деб сўради боцман.

– Мабодо алдаган такдиримда ҳам сен нима йўкотардинг? – эътироз билдирди Кеаве.

– Бу гапинг ҳам тўгри, – маъкуллади боцман.

– Агар менга ишонмаётган бўлсанг, текшириб кўришинг жуда осон, – деди Кеаве. – Уйдан чиккан захотинг чўнтагинг пулга тўлишини ёки энг яхши бир шиша ром пайдо бўлиб қолишини сўра. Ёинки, ўзингга маъкул келган, кўнглинг тусаган исталган нарсани тилайвер. Бу шишада кандай куч-кудрат борлигини ана ўшанда кўрасан.

– Бўпти, дўстим, – деди боцман. – Синаб кўрсам кўрибман-да. Аммо-лекин бир нарсани билиб қўй. Мабодо устимдан қулишни ўйлаган бўлсанг, мен огзини очиб караб турадиган анойилардан эмасман. Боплаб адабингни бериб қўйиш қўлимдан келади.

Кит овловчи кекса боцман шундай деб, уй томон кетди, Кеаве эса уни кутиб колди. Бу жой ўтган кеча Кокуа қарияни кутган ер яқинида эди. Факат, хотинидан фаркли ўларок, Кеаве катъиятга тўлик, заррача бўлсин иккиланмас, холбуки юраги пора-пора бўлиб ётарди.

Унинг назарида жуда узок кутиб колгандек туюлди, лекин, мана, қоронгиликдан хиргойи товуши эшитилди. Кеаве боцманнинг сархуш овозини таниб, ажабланди: шу бемахалда қаердан ютиб ола колди экан?

Нихоят, кўча фонуси ёгдусида гандираклаб келаётган боцман кўринди. Шайтоний шиша унинг қўйнига яширилган, бушлатининг ҳамма тугмалари қадалган эди. Қўлида эса бошка шиша, Кеавега яқинлашар экан, ундан хўплаб-хўплаб кўярди.

– Кўринишингга караганда, ишингни бажарганга ўхшайсан, – деди Кеаве.

– Торт қўлингни! – дея ўширдди боцман бир кадам ортга чекиниб. – Яқинлашадиган бўлсанг, уриб абжагингни чикараман! Менинг оркамда шу очил дастурхонга эгалик қилишни ўйлабмидинг хали!

– Нималар деяпсан ўзи? – ажабланди Кеаве.

– Нималар деяпман? – такрорлади боцман. – Бу шиша менга жуда ёқиб колди, ана шуни айтмоқчиман. Шундай хазинани атиги икки сантимга кандай қилиб қўлга киритдим, ўзим ҳам хайронман. Аммо лекин сен уни бир сантимга оламан, деб хомтама бўлмай кўя кол.

– Уни... сотмоқчи эмасмисан хали? – деб сўради Кеаве тили зўрга айланиб.

– Йўк, сэр! – дея хитоб қилди боцман. – Лекин сени бир култум ром билан сийлашим мумкин.

– Сен бошка бир гапни тушун: бу шишага эгалик қилган одам дўзахга тушиши муқаррар,

ахир!

– Ўзи, шусиз ҳам борадиган жойим ўша ер, – дея эътироз билдирди боцман. – Жаханнамга саёхат қилишда эса манави шишадан ҳам яхшироқ хамрохни учратганим йўғиди шу пайтгача, сэр! – дея хайкирди у яна. – Энди бу шиша меники, сен эса йўкол, балки бошқасини топиб оларсан.

– Менга қара, шу гапларни чиндан ҳам айтаяпсанми? – деб бакириб юборди Кеаве. – Худо хаки, сендан ўтинаман – охиратинг куймаслиги учун сот уни менга!

– Ўтинчингга тупурганим бор! – дея жавоб қилди боцман. – Сен мени шунчаки бир лакма, гўл деб ўйлагандинг, энди кўриб турибсанки, тузогингга илинадиган хафтафахмлардан эмасман. Хуллас, гап тамом, вассалом! Ром билан мехмон қилишимни хохламасанг хохлама – ўзим ичаман. Саломат бўл, ошна!

У шундай деб шахар марказига қараб йўл олди, хикоямиздаги шиша ҳам у билан бирга кетди.

Кеаве эса Кокуанинг ёнига қанот чиқаргандек ўчиб борди ва шу кеча уларнинг қувонч-шодликларига ҳеч қандай чегара бўлмади. Ана ўшандан буён эр-хотиннинг “Яркирок Ўй”даги ҳаёти тинчлик-осойишталик, шод-хуррамликда кечди.

*Русчадан □ Рустам Обид таржимаси*

\* П и н т а – хажм ўлчови бирлиги.

\*\* Б у ш л а т – пахталик нимча, денгизчилар қийими.

\*\*\* Ш т о п о р – бутилка пўкагини очадиган парма.

\*\*\*\* К у б р и к – кемада команда жойлашадиган хона.

\*\*\*\*\* Ш х у н а – унча катта бўлмаган елканли кема.

\*\*\*\*\* К а н а к л а р – Тинч океандаги оролларнинг туб аҳолиси.

\*\*\*\*\* Х а о л е – маҳаллий аҳоли.